

ТУРКУМ 2:7

5-БОСҚИЧ



*«Олган таълимotingизга мувофиқ, Масихда томир ёйиб,
қарор топинг. Имонингизда қаттиқ туринг, Худога
шукроналар тилингиздан тушмасин.»*
КОЛОСАЛИКЛАРГА 2:7

ЖАМОАТ АЪЗОЛАРИ УЧУН
ОММАБОП ЎҚУВ ДАСТУРИ

ТУРКУМ 2:7

5-БОСҚИЧ



“Олган таълимотингизга
мувофиқ, Масихда томир ёйиб,
қарор топинг. Имонингизда
қаттиқ туринг, Худога
шукроналар тилингиздан
тушмасин.”

Колосаликларга 2:7

**ЖАМОАТ АЪЗОЛАРИ УЧУН
ОММАБОП ЎҚУВ ДАСТУРИ**

NAVPRESS нашриёти

ДАСТУРНИ ЎЗЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ.....	5
БИРИНЧИ ДАРС	7
Тўртинчи босқич мақсадларининг таърифи.....	7
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: биринчи ҳафта.....	8
Мазкур босқичда ёд олинadиган оятларнинг тематик тизими.....	9
“Маънони тушуниш учун саволлар”ни тузиш борасида кўрсатмалар.....	10
“Амалда қўллаш учун саволлар”ни тузиш борасида кўрсатмалар.....	14
ИККИНЧИ ДАРС	16
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: иккинчи ҳафта.....	16
“Худонинг табиати” мавзусига оид маъно ва амалиёт саволлари.....	17
УЧИНЧИ ДАРС	19
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: учинчи ҳафта.....	19
“Худонинг табиати” мавзусига оид маъно ва амалиёт саволлари (давоми).....	20
ТЎРТИНЧИ ДАРС	22
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: тўртинчи ҳафта.....	22
“Худо Каломининг мавқеи” мавзусига оид маъно ва амалиёт саволлари.....	23
БЕШИНЧИ ДАРС	24
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: бешинчи ҳафта.....	24
“Худо Каломининг мавқеи” мавзусига оид маъно ва амалиёт саволлари (давоми).....	23
ОЛТИНЧИ ДАРС	26
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: олтинчи ҳафта.....	26
“Муқаддас Рух” мавзусига оид маъно ва амалиёт саволлари.....	27
ЕТТИНЧИ ДАРС	28
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: еттинчи ҳафта.....	28
“ЗАЙЛ” мавзусини такрорлаш.....	29
САККИЗИНЧИ ДАРС	30
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: саккизинчи ҳафта.....	30
ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС	32
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: тўққизинчи ҳафта.....	32
“Бажарилadиган ишлар рўйхати”дан фойдаланиш тарзи.....	32
“Ҳафталик” ва “кундалик” режани тузиш.....	35
ЎНИНЧИ ДАРС	37
Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: ўнинчи ҳафта.....	37
Ўтилган мавзулар ва оятларнинг манзили бўйича ёзма иш.....	38
ЎН БИРИНЧИ ДАРС	41

“ИМОН АСОСЛАРИ”, *Шогирдлик даври*, 5–Китоб.....43
 “Худонинг табиати”.....44
 “Худо Каломининг мавқеи”.....51
 “Муқаддас Рух”59
 “Рухий жанг”.....67
 “Масиҳнинг қайтиб келиши”.....74

Мазкур дастурга 83–бетдан бошлаб қуйидагилар илова қилинган:

Муқаддас Китобни ўрганиш учун кундалик
 Билимингизни текшириш учун назорат варақлари
 Ижобат бўлган ибодатларни ёзиб бориш учун варақлар

МУҲИМ: мазкур дастурдан фақат малакали етакчилар, яъни (1) бу дастурни ўқувчи сифатида ўрганган, ёки (2) тренинг машғулотида қатнашиб, 2:7 туркумини мохирона ўзлаштирган шахслар фойдалансин. Тренинг машғулотида қатнашмоқчи бўлсангиз, 2:7 дастурининг боқарувчисига мурожаат қилинг.

Манзил: The Navigators, P.O. Box 6000, Colorado Springs, Colorado 80934

Телефон: (303) 598–1212

Page 5

Дастурни ўзлаштириш жадвали

Гуруҳингиз аъзоларидан илтимос қилинг, улар олаётган билимларингизни текшириб туришсин. Улар текширув ўтказилган куннинг санасини ёзиб, ўз имзоларини қўйишсин.

ЁД ОЛИНГАН ОЯТЛАР

ИМЗО САНА

“Масиҳнинг шогирди бўлинг” мавзусига оид Г–руқнининг 1–12 таркибидаги оятлар

“Масиҳга эргашинглар” – Матто 6:33		
“Масиҳга эргашинглар” – Луқо 9:32		
“Дунёга мослашманглар” – 1 Юҳанно 2:15–16		
“Дунёга мослашманглар” – Римликларга 12:2		
“Имонда маҳкам туринглар” – 1 Коринфликларга 15:58		
“Имонда маҳкам туринглар” – Ибронийларга 12:3		
“Бошқаларга хизмат қилинглр” – Марк 10:45		
“Бошқаларга хизмат қилинглр” – 2 Коринфликларга 4:5		
“Саховат билан беринглр” – Ҳикматлар 3:9–10		
“Саховат билан беринглр” – 2 Коринфликларга 9:6–7		
“Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглр” – Ҳаворийлар 1:8		
“Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглр” – Матто 28:19–20		
“Масиҳнинг шогирди бўлинг” мавзусига оид ҳамма оятларни, Г 1–12 ларни ёддан айтиб беринг.		
Навбатдаги 14 кун давомида, ҳар куни “Худонинг таъминотига таянинг” мавзусига оид оятларни такрорланг. В 1–12 (4–босқич).		
Кейинги ўн тўрт кун давомида эса “Масиҳ ҳақида гувоҳлик беринг” мавзусидаги ҳамма оятларни такрорланг.Б 1–12 (3–		

босқич).		
“Янги ҳаётда яшаш” мавзусидаги ҳамма оятларни такрорланг. А 1–12 (2–босқич).		
Ўтилган мавзулар ва оятларнинг манзили бўйича ёзма ишни муваффақиятли бажарди.		

ХУДО БИЛАН СОКИН ВАҚТ

Ўн тўрт кун давомида Муқаддас Китобни ўрганишда қўлланиладиган кундалик дафтарини тўлдирди.		
---	--	--

ГУВОҲЛИК

Имонсиз одамга Хушхабарни айтди ва/ёки уни “Кўприк” мисоли билан таништирди. Бу ҳақда гуруҳга ҳисобот берди.		
--	--	--

МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ – “Масихнинг шогирди бўлинг” (“Шогирдлик даври”, 5–Босқич).

1-боб — “Худонинг табиати” page 6		
2-боб — “Худо Каломининг мавқеи”		
23–бетдаги бешта саволни тузди		
3-боб — “Муқаддас Рух”		
27–бетдаги бешта саволни тузди		
4-боб — “Рухий жанг”		
5-боб — “Масихнинг қайтиб келиши”		

БОШҚАЛАР

“ЗАЙЛ” мавзуси — шахсий кундалик		
“ЗАЙЛ” мавзуси — ибодатга жавоблар		
Бажариладиган ишлар рўйхатидан етти маротаба фойдаланди		

ГУРУҲ ЕТАКЧИСИ ТОМОНИДАН ТЕКШИРУВ

Бешинчи босқични муваффақиятли тамомлади		
--	--	--

БИРИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Дарсликнинг “Тўртинчи босқич мақсадларининг таърифи” бўлимини кўриб чиқинг (7–8–бетлар).
2. Ўзлаштириши жадвали ёрдамида, 5–босқич мавзулари билан танишинг (5–6–бетлар).
3. Оятларни ёд олиш бўйича маслаҳатлар: биринчи ҳафта (8–9–бетлар).
4. “Мазкур босқичда оятларни ёд олишнинг тематик тизими” мавзусини ўқинг (9–бет).

5. Бу босқичда ўтиладиган “Имон асослари” мавзуси билан танишиб чиқинг (43–80–бетлар). Бўлимнинг “Кириш” қисмини овоз чиқариб ўқинг (43–бет).
6. “Умумий саволлар” тузишни машқ қилинг.
7. “Маънони тушуниш учун саволлар”ни тузиш мавзусини муҳокама қилинг (10–13–бетлар).
8. “Амалда қўллаш учун саволлар”ни тузиш мавзусини муҳокама қилинг (14–бет).
9. Иккинчи дарс учун топшириқлар бўлимини ўқинг (15–бет).
10. Дарсни ибодат билан яқунланг.

Тўртинчи босқич мақсадларининг таърифи

Тўртинчи босқич мақсадлари қуйидагича эди:

1. Худонинг ҳузурда, мунтазам ва маъноли сокин вақт ўтказишни одат қилиш:
 - а. Сокин вақт пайтида ибодат қилиб, Муқаддас Китобни мутолаа қилиш.
 - б. Буларни 14 кун давомида қанда қилмай бажариш.
2. “Масих билан янги ҳаётга қадам ташлаш” мавзуси давомида ёд олинган дастлабки беш оятни, ҳамда тематик тизимига оид йигирма тўртта оятни қайтариш.
3. “Худонинг таъминотига таянинг” мавзусига оид ўн иккита оятни ёд олиш. Бу оятлар тематик тизимнинг “В” рукнини ташкил қилади.
4. “Масихий кишининг феъл–атвори” мавзусини кўриб чиқиб, *шогирдлик даврининг* 4–босқичини ўрганиш. Ушбу мавзу Каломни ўрганиш гуруҳларида муҳокама қилинди. (Бу босқич давомида ҳар бир иштирокчи мазкур мавзу бўйича муҳокамани олиб бориб, етакчиликда янада кўпроқ тажриба орттириш имкониятига эга бўлди).
5. Масихий бўлмаган бирор кишига “Кўприк” расмини кўрсатиб, расм асосида Хушхабарни содда тарзда тушунтириб бериш.
6. ЗАЙЛ мавзусини ўзлаштириб, Хушхабар айтиш учун рўйхат ҳамда назорат жадвалидан фойдалана бошлаш.
7. Муқаддас Китобни ёд олиш тематик тизимининг дастлабки 36 оятини, уларнинг мавзуси ва манзилларини ёддан билиш.

Page 8

8. Беш босқичли режа тузишни ўрганиш. Ҳар бир иштирокчи бундай режани ҳеч бўлмаганда бир марта тўғри тузиши керак эди. Тузган режангизнинг мисолини қўйида ёзинг:
 - а. _____
 - б. _____
 - в. _____
 - г. _____
 - д. _____
9. Хушхабар айтиш тамойилларини ўрганиб, уларни муҳокама қилиш.
10. Ярим кунни ибодатда ўтказиш.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: биринчи ҳафта

2:7 туркумининг аввалги босқичларида биз оятларни нима сабабдан ёд олишимиз кераклиги ҳақида сўз юритган эдик. Оятларни ёд олиш учун сабаблар жуда кўп. Оятлар бизга Хушхабар айтишда, гуноҳ ва ташвишларни енгилда, Муқаддас Китоб ақидаларини амалда қўллашда катта ёрдам беради. Оятларни ёдлаш учун яна бир сабаб бор — онгимизга муҳрланиб қолган оятлар бу дунёга кириб кетишимизга ва унга мослашиб кетишимизга йўл қўймайди. Дунёга мослашмаслик эса руҳий етукликнинг белгисидир.

Дунёнинг сезилмас таъсири

Хаворий Павлус Римликларга йўллаган мактубида, мажусийлар орасида яшаган масихийларга шундай деб ёзган: “Дунёга бўш келманг, у сизни ўз қолипига солиб қўйишига йўл қўйманг” (Римликларга 12:2, РН таржимаси). Ғалаба: “Ассалому алайкум”, деб ўз оёғи билан эшингингиздан кириб келмайди, унга эришиш учун, сиз Худонинг қурол–

аслаҳаларини тақиб, душманга кучли қаршилик кўрсатишингиз керак. Павлус мактубидаги гапини давом эттириб, шундай ёзади: “Худо сизни янги инсон қилиб шакллантиришига, ўй–фикрларингизни ўзгартиришига йўл қўйинг”. Қандай қилиб Худо бизнинг ўй–фикрларимизни ўзгартиради? Қандай қилиб биз дунё устидан ғалаба қозона оламиз?

Қалбимизда маскан қилган Муқаддас Рух билан Худонинг Каломи бунга жавобдир. Зеро, “Масих жамоатни сув ва Худонинг Каломи орқали поклайди” (Эфесликларга 5:26). Агар биз Худонинг Каломини онгимизда сақласак, Калом онгимизни ичидан ўзгартиради ва дунёга қарши туришимизга бизга куч ва маҳорат беради.

Ёд олишингиз уч муҳим қоида:

1. *Ҳар ҳафта мунтазам равишда янги оятларни ёд олинг.* Аксарият одамлар учун ҳафта давомида иккита оятни ёд олиш яхши меъёр ҳисобланади. Сиз ҳафтасига нечта оятни ёд олишингиз мумкин? Ўзингиз учун ёд олинadиган оятларнинг сонини белгиланг ва бу қарорингизга доимо вафо қилинг. Бунинг учун Худодан ёрдам сўранг.
2. *Халтачадаги оятларни ҳар куни такрорланг.* Ўтилмаган мавзуларга оид ва ёд олинмаган оятларни халтачага солманг. Акс ҳолда, булар ёд олаётган оятларни такрорлашингизда ҳалал беради.
3. *Ёд олинган оятларни эсда яхши сақлаш учун, уларни доим такрорлаб турунг.* Қутичадаги оятларни вақти–вақти билан халтачага солиб, такрорлаш керак. Турли хил рукнларга оид оятларни қачон такрорлашингиз — сиз ёд олган оятларнинг умумий сонига боғлиқ бўлади. 2:7 дастурини ўрганар экансиз, ҳар ҳафта ўтиладиган “Оятларни ёд олиш бўйча кўрсатмалар” қисмида қайси гуруҳдаги оятлар такрорланиши кераклиги ҳақида айтиб ўтилади.

Нима сабабдан бу қоидалар аҳамиятга эга?

Мазкур қоидалар — кашф этилган муваффақиятли ёд олиш усулининг заминини ташкил қилади. Бунинг сабабини сизга тушунтирай:

Мисол учун, сиз ҳафтанинг охирига келиб, янги оятларни яхши ёдлай олмадингиз, дейлик. Шу сабабдан: “Кейинги ҳафта мен янги оятларни ёд олмайман, ундан кўра шуларни мукамал ўрганаман,” деб айтишингиз мумкин. Борди–ю сиз ҳақиқатдан ҳам шундай қилмоқчи бўлсангиз, биринчи қоидани бузган бўласиз. Чунки биринчи қоидага кўра, сиз ҳар ҳафта янги оятларни ёд олишингиз шарт. **Page 9** Агар сиз бир ҳафта бу қоидага риоя қилмасангиз, қоидани иккинчи ва учинчи марта бузишингиз янада осонроқ бўлади. Қоидани бузгандан кўра, кейинги ҳафта давомида янги оятлар билан бир қаторда олдинги оятларни ҳам ёд олинг.

Агар оятларни ёдлай олмаган бўлсангиз, демак сиз иккинчи қоидага риоя қилмагансиз. Чунки бу қоидага кўра, сиз “Халтачадаги оятларни ҳар куни такрорлашингиз керак” эди. Борди–ю, сиз оятларни вақтида такрорлаганингизда, ҳафтанинг охирига келиб, уларни бемалол ёддан айтиб берган бўлардингиз.

Оятларни ҳар куни такрорлашингиз (2–қоида) сизга янги оятларни ёд олишингизда (1–қоида) ва уларни эсда яхши сақлашингизда (3–қоида) катта ёрдам беради.

Бу учта қоида — муваффақиятли ёд олиш усулининг асосини ташкил қилади. Оятларни ёд олиш борасида олган билимларингиз бу қоидаларга риоя қилишингизда сизга ёрдам беради.

Ёд олган оятларингизни Муқаддас Китобда белгилаб боринг

Ёд олган оятларингизнинг рақамини Муқаддас Китобда белгилаб боринг. Шунда Муқаддас Китобни ўқиганингизда, бу оятлар эътиборингизни тортади. Мабодо, оятлар ёзилган варақаларни йўқотиб қўйсангиз, бу белгилар ёд олинган оятларни эслашда сизга ёрдам беради. Шу билан бирга, қайси китобдан қандай оятларни ёд олганингизни яққол кўрсатиб туради.

Агар оятларни ёд олиш зерикарли машғулотга айланиб қолса, нима қилиш керак?

Агар оятларни ёд олиш сизга зерикарли бўлиб туюлса, ҳафсалангиз пир бўлмасин. Тўғри, оятларни ёд олиш жараёни механик ҳусусиятга эга. Оятларни қалб ва онгга сингдириш учун сабот талаб қилинади. Дарҳақиқат, бу жараён осон эмас, бироқ қалбга муҳрланган оятлар ҳаётнинг турли вазиятларида ёрдам бериши ва йўл кўрсатиши, ҳар қандай қурбонликка арзийди.

Оятларни ёд олиш жараёни қизиқарли ўтиши учун ибодат қилинг, оятлар ҳақида мулоҳаза юритинг. Буни эрталабки сокин вақт пайтида амалга оширишингиз мумкин. Бундан ташқари, суҳбатларда ва хат ёзганингизда оятлардан фойдаланинг. Танишларингизга оятлар орқали далда берганингизда, қалбингиз қувончга тўлади.

Эсингизда бўлсин: Муқаддас Рух Худонинг Каломини ҳаётимизда самарали тарзда ишлата олиши учун, биз оятларни ёд олишимиз ва уларнинг маъзини чақишимиз керак.

Ўзингизни текширинг

Олтинчи босқичда бу кўрсатмалар ва ҳар ҳафта ёд олинган оятлар борасида сиз ёзма иш топширасиз.

Мазкур босқичда оятларни ёд олишнинг тематик тизими

Олдинги учта босқич давомида сиз тематик тизимига оид дастлабки 36та оятни ёд олдингиз. Буларнинг таркибига қуйидагилар кирган: **А.** “Янги ҳаёт кечиринг”, **Б.** “Масих ҳақида Хушxabар айтинг” ва **В.** “Худонинг таъминотига таянинг”. Навбатдаги “**Г**” рукнида сиз “Масихнинг шогирди бўлинг” ва “**Д**” рукнида “Масих сингари бўлинг” мавзусига оид оятларни ёд оласиз.

Мазкур бешинчи босқичда биз қуйидаги оятлар билан ишлаймиз:

Г. Масихнинг шогирди бўлинг

Масихга эргашишлар	Матто 6:33	Луко 9:23
Дунёга мослашманглар	1 Юҳанно 2:15-16	Римликларга 12:2
Имонда маҳкам туринглар	1 Коринфликларга 15:58	Ибронийларга 12:3
Бошқаларга хизмат қилинглар	Марк 10:45	2 Коринфликларга 4:5
Саховат билан беринглар	Ҳикматлар 3:9-10	2 Коринфликларга 9:6-7
Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглар	Ҳаворийлар 1:8	Матто 28:19-20

Page 10

“Маънони тушунишга ёрдам берадиган саволлар”ни тузиш усули

Мазкур дастурнинг иккинчи ва учинчи босқичларида сиз уч турдаги саволлар билан танишиб чиққан эдингиз:

1. Умумий саволлар
2. Маънони тушуниш учун саволлар
3. Амалда қўллаш учун саволлар

Бу мавзу иккинчи босқичнинг 27–бетида ва учинчи босқичнинг 19–24 бетларида ёритилган.

Учинчи ва тўртинчи босқичларда Муқаддас Китобни муҳокама қилиш гуруҳларида сиз тайёр саволлардан фойдаланган эдингиз. Энди, наватдаги босқичларда сиз саволларни ўзингиз тузишни ўрганасиз. Бошида саволларни тузишда сизга етакчингиз ёрдам беради, кейин эса сиз саволларни ўзингиз уйда тузиб келадиган бўласиз. Бундай машғулотлар сизга саволларни тузишда тажриба ва маҳорат орттиришингизга ёрдам беради.

МАЪНОНИ ТУШУНИШГА ЁРДАМ БЕРАДИГАН САВОЛ, ДЕГАНИ НИМА?

Бу турдаги савол одатда, берилган жавобни янада аниқлаштириш учун ўртага ташланади. Яъни, умумий саволга берилган жавобнинг муайян бир қисмига қаратилган бўлади. Бундай савол бутун бир парчанинг маъносини эмас, аксинча, маълум бир қисмининг туб маъносини очишга ёрдам беради.

БУ ТУРДАГИ САВОЛЛАРНИНГ МАҚСАДИ НИМА?

Маънони тушунишга қаратилган саволлар — муҳокама қилинаётган илоҳий ҳақиқатни янада чуқурроқ тушунишимизга, ҳақиқатнинг асл маъзини англаб олишимизга ёрдам беради.

Бундай саволларни ишлатишимиз учун яна тўртта жуда яхши сабаб мавжуд. Саволлар:

1. Муҳокама қизгин тарзда ўтишига ёрдам беради.
2. Ҳақиқатни таъкидлаб ўтишга имкон яратади.
3. Нотўғри тушунилган ёки тўлиқлигича англаб олинмаган масалани равшан этишга ёрдам беради.
4. Иштирокчилар мавзунини қай даражада ўзлаштирганини билишга, уларнинг руҳий даражасини тушунишга ва муҳтожликларини аниқлашга ёрдам беради.

МАЪНОНИ ТУШУНИШГА ЁРДАМ БERAДИГАН САВОЛЛАРНИНГ ЎН ИККИ ШАКЛИ

Саволлар қайси шаклда бўлишидан қатъий назар, аниқ ва содда бўлиши керак. Бу дегани...

- Савол қисқа бўлиш керак.
- Нотаниш, мураккаб сўзлар ишлатилмаслиги лозим.
- Гаплар содда бўлсин, иложи борича “ва”, “аммо/лекин” каби боғловчилардан фойдаланилмасин.

Page 11

СИНОНИМЛАР

“_____ ўрнига яна қандай маънодош сўз ёки иборани ишлатиш мумкин?”

“_____ сўзнинг маъносини яна қандай синонимлар билан ифодаласа бўлади?”

2. ИЗОҲ

“Битта ёки иккита гап билан _____ сўзининг маъносини изоҳлаб беринг.”

3. ФАРҚ

“_____ ва _____ сўзлари маъно жиҳатидан бир-биридан қандай фарқ қилади?”

4. ЎХШАШ ТОМОНЛАРИ

“_____ ва _____ сўзларининг маъносида қандай ўхшаш томонлар мавжуд?”

5. АНТОНИМ

“Сизнингча, _____ сўзига зид маънога эга бўлган қандай сўз мос келади?”

6. ЎЗARO БОҒЛИҚЛИК

_____ ва _____ сўзларининг маънолари орасида қандай боғлиқлик мавжуд?

7. МИСОЛЛАР

“Муқаддас Китобдаги қайси қаҳрамон _____ каби хислатга эга?”

“Кундалик ҳаётингиздан _____ нинг мисолларини келтиринг.”

8. НИМА УЧУН?

“Нима сабабдан бу оятда _____ деб ёзилган?”

“Нима учун биз _____ бажаришимиз керак?”

9. ТУШУНТИРИНГ

“45–бетдаги расмнинг маъносини тушунтириб беринг.”

“Нега Шоул бу вазиятда ўзини бошқача тутди?” тушунтириб беринг.

10. ОРТТИРМА ДАРАЖА

“Сизнинг назарингизда, буларнинг қайси бири ЭНГ _____?”

11. МИҚДОР/СИФАТ ДАРАЖАСИ

“Сизнингча, _____ қай даражада муҳим?”

“Биз ҳаётимизда _____ га қай даражада риоя қилишимиз керак?”

“Қалбимиз қай даражада _____ бўлиши керак?”

12. ҚАНДАЙ?

“Биз бу мисолдан ўзимизга қандай сабоқ олишимиз мумкин?”

“Ҳаётдаги қийинчиликларни енга олган одам бошқаларга қандай таъсир кўрсата олади?”

Одатда, “Қандай?” сўроқ билан бошланадиган саволлар кенг қамровли, умумий саволлар бўлиб, амалиётга қаратилади. Улар ҳам маънони тушунишга, ҳам амалда қўллашга қаратилган бўлиши мумкин. Мисол учун:

- *Амалда қўллаш учун савол:* “Биз бу мисолдан ибрат олиб, уни ҳаётимизда қандай қўлласак бўлади?”
- *Маънони тушуниш учун савол:* “Биз бу мисолдан ўзимизга қандай сабоқ олишимиз мумкин?”

Page 12

- *Амалда қўллаш учун савол:* Агар биз ўз ҳаётимиздаги қийинчиликларни енга олсак, бошқаларга қийинчиликларини енгишга қандай ёрдам бера оламиз?
- *Маънони тушуниш учун савол:* Ҳаётдаги қийинчиликларни енга олган инсон, бошқаларга ҳам қийинчиликларни енгишга қандай ёрдам бера олади?

МАЪНОНИ ТУШУНИШГА ҚАРАТИЛГАН САВОЛЛАРНИНГ НАМУНАЛАРИ:

Қуйида маънони тушунишга қаратилган саволларнинг ўн икки кўриниши берилган.

Саволларнинг аксарият қисми 11–бетдаги мисоллар шаклида келтирилган:

1. Синонимлар
 - а. “Абадий ҳаёт” ибораси ўрнига яна қандай маънодош сўз ёки иборани ишлатиш мумкин?
 - б. “Иноят” сўзини қайси маънодош сўз билан алмаштирса бўлади?”
 - в. “Тирик қурбонлик” сўз бирикмасини яна қандай сўзлар билан ифодалаш мумкин?”
2. Изоҳ
 - а. “Ҳақиқат” сўзи қандай маънони англатади?
 - б. “Раббий” сўзи сиз учун қандай маъно касб этади?
 - в. “Хизматчи” сўзининг асл маъносини изоҳлаб беринг.
3. Фарқ
 - а. “Ҳамду сано” ва “шукрона” сўзлари маъно жиҳатидан бир–биридан қандай фарқ қилади?”
 - б. Сизнингча, “қўрқмоқ” ва “ташвишланмоқ” сўзларининг орасида қандай фарқ бор?
 - в. “Бирлик” ва “бир хиллик” сўзларининг маъноси бир–биридан қандай фарқ қилади?
4. Ўхшаш томонлари
 - а. “Жисмоний гўдак” билан “руҳий гўдак” орасида қандай ўхшаш томонлар мавжуд?
 - б. “Нур” ва “поклик” тушунчаларининг ўхшаш томонлари борми?
 - в. “Худонинг каломни” билан “экилган уруғ” сўз бирикмалари қай жиҳатлари билан бир–бирига ўхшайди?
5. Антоним.
 - а. “Ҳақиқат” сўзининг антоними қандай?
 - б. Биз айтиб ўтган ҳислатларга зид бўлган қандай иллатлар бор?
 - в. “Хотиржамлик” сўзига зид маънога эга бўлган сўзни ёки сўз бирикмасини айтинг.
6. Ўзаро боғлиқлик
 - а. Сизнингча, “сабр–тоқат” билан “Худога умид боғлаш”нинг орасида қандай боғлиқлик мавжуд?
 - б. “Хукмронлик” ва “итоаткорлик” тушунчалари бир–бирига қандай боғлиқ?
 - в. Бир одам ҳам мағрур, ҳам гапга кўнадиган бўлиши мумкинми? Бу иккита тушунча орасида қандай боғлиқлик бор?
7. Мисоллар
 - а. Қандай қилиб Муқаддас Рух бизга Каломни тушунтириши мумкин? Мисоллар келтиринг.
 - б. “Икки киши бир кишидан кўпроқ иш бажара олади” деган гапга ҳаётдан қандай мисоллар келтира оласиз?

- в. Муқаддас Китобдаги қайси қаҳрамонлар “сабрсизлик” каби иллатга эга бўлган?
8. Нима учун?
- а. Нима учун Ибронийлар 12:1да “мусобақа” сўзи қўлланилган?
- б. Нима сабабадан Исо Қуддус томон қараб йиғлаган?
- в. Нима учун шукур қилиш муҳим?

Page 13

9. Тушунтиринг
- а. 68–бетда келтирилган 2 Тимўтий 3:16–оятга оид диаграмманинг маъносини тушунтириб беринг.
- б. Яхши бир жамоатга қатнашиб юрган масиҳийнинг руҳан ўсмаганини қандай тушунса бўлади?
- В. 76–бетда келтирилган Муҳтарам Освальд Сандерснинг гапини нима деб тушундингиз?
10. Ортгирма даража
- А. Худонинг қайси хислатларини энг улуғвор деб атаса бўлади?
- Б. Сизнинг назарингизда ғилдиракнинг олтига жихатидан қайси бири энг муҳим?
- В. Қайси турдаги ибодатни айтиш энг осон?
11. Миқдор ва сифат даражаси
- А. Биз биродарларимиз билан қай даражада очик бўлишимиз керак?
- Б. Биз Худонинг иродасини қай даражада тушуна оламиз?
- В. Муқаддас Китобда шаҳодат қай даражада муҳим?
12. Қандай?
- А. Биз биродарлар сифатида бир–биримизни қандай шакллантирамыз?
- Б. Қандай қилиб биз ҳозирги замонда яшаб туриб, келажакка интилишимиз мумкин?
- В. Буни қандай амалга оширса бўлади?

ТУШУНИШГА ҚАРАТИЛГАН САВОЛНИ ҚАНДАЙ БАҲОЛАШ МУМКИН?

Дарсни самарали тарзда ўтказиш учун тайёрланиш керак. Тайёрланишга эса мияни ишлатиш, вақт ва куч сарф қилиш керак бўлади. Саволларингизни баҳолашга қуйидагилар мезон бўлиб хизмат қилади:

КОНСТРУКТИВ — бу дегани, савол мавзунинг муҳокамасига ижобий таъсир қилиши керак, яъни муҳокамани сусайтирмасдан, уни авж олдириши шарт. Ортиқча, кераксиз саволларни туғдирмаслиги даркор.

ОЧИҚ — берадиган саволингиз жавобни чеклаб қўймаслиги керак, яъни

1. “ҳа” ёки “йўқ” жавобини талаб қилмасин,
2. соддагина жавоб билан қониқмайдиган бўлсин.

СОДДА — қисқа ва лўнда.

ТЎҒРИ — тўғри савол тўғри вақтда берилиши керак. Саволингиз:

1. Умумий саволга мантиқан боғланган бўлсин.
2. Муҳокама қилинаётган мавзуга мос келсин.

УНДАЙДИГАН — онгни ишлашга ундайдиган, муҳокамани қизғин қиладиган бўлиши керак.

1. Шунда биз билган нарсамизнинг янада чуқурроқ маъноси, яширин қирралари очила бошлайди.
2. Иштирокчиларни қизиқтириб қўяди.

Page 14

“Амалда қўллаш учун саволлар”ни тузиш усули

АМАЛДА ҚЎЛЛАШ УЧУН САВОЛЛАР ҚАЧОН БЕРИЛАДИ?

Бундай саволлар одатда муҳокаманинг охирида, мавзу ўтиб бўлингандан сўнг берилади. Амалда қўллаш учун саволлар танланган масалани таъкидлайди. Шу сабабдан бу турдаги саволларни ҳаддан ташқари кўп ишлатман.

БУ ТУРДАГИ САВОЛЛАРНИ ҚАНДАЙ ТУЗИШ КЕРАК?

1. Агар савол Муқаддас Китобни ўрганиш гуруҳида қўлланиладиган бўлса, сиз шундай деб айтишингиз мумкин: “Илтимос, бир нечта киши 18–саволга берган жавобларини ўқиб берсин.” (Амалий саволларга жавоб беришда қатнашувчиларга эркинлик беришингиз керак, чунки баъзи қатнашувчилар ўта шахсий жавобларини гуруҳда ўқишдан бош тортиши мумкин).
2. Агар уй вазифаси тариқасида беш босқичли режани тузиш берилган бўлса, сиз шундай деб айтишингиз мумкин: “Келинлар, ёзиб келган беш босқичли режаларимизни муҳокама қилайлик.” Ёки: “Ражангизга сиз нималарни киритдингиз?” деб савол берсангиз бўлади.
3. Борди–ю, муҳокама давомида сиз юқорида келтирилган шаклдаги амалий саволларни ишлатмаган бўлсангиз, мавзу борасида шундай саволлар тузишингиз мумкин:

А. Сиз бу бобдан

парчадан

муҳокамадан

билиб олган

ўрганган

қандай нарса/ни

ҳаётингизга татбиқ қилмоқчисиз?

сизга сабоқ бўлди?

Б. Мазкур бобдаги

парчадаги

мавзудаги

қандай нарса/ни

сизга чуқур таъсир қилди?

амалда қўлламоқчисиз?

янада чуқурроқ ўрганмоқчисиз?

МУҚАДДАС КИТОБ АҚИДАЛАРИНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШДА ИБОДАТНИНГ АҲАМИЯТИ

Муҳокама гуруҳини олиб борганингизда, ҳамма иштирокчилар ҳақиқатни амалда қўллай олишлари учун ибодат қилишсин. Бунга албатта, эътибор беринг. Оятларни “амалда қўллаш” вазифасини шунчаки, бажарсам бўлди, деб ўйламанг. Бу борада ўзингиз бошқаларга намуна бўлишга ҳаракат қилинг. **Page 15** “Амалда қўллаш” вазифасини ёзишдан олдин бир неча кун бу ҳақда ибодат қилинг, сўнг режангизни қоғозга туширинг.

ИККИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР:

1. *Оятларни ёд олиш:* 8–9–бетлардаги “Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: биринчи ҳафта” мавзусини қайтадан ўқиб чиқинг. Сўнг 16–17–бетлардаги иккинчи ҳафтага оид кўрсатмалар билан танишинг. “Масихга эргашишлар” мавзусидаги Матто 6:33 ва Луко 9:23 оятларни ёд олинг. Кейинги машғулотга оятлар учун қутини ўзингиз билан олиб келинг.
2. *Худо билан сокин вақт:* Инжилни ўқинг, ўзингиз учун муҳим бўлган жойларни белгилаб, ёзиб боринг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш:* “Худонинг табиати” мавзусидаги 1–8–саволларга жавоб бериб, топшириқларни бажаринг. Булар 1–боб, Муқаддас Китобни ўрганиш қўлланмаси таркибига кирган (44–47–бетлар).

ИККИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Масихга эргашишлар” мавзусига оид Матто 6:33 ва Луко 9:23–оятларни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтида “*Дастурни ўрганиш кундалиги*” га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Кутидаги оятларни тартибга солинг.
5. “Худонинг табиати” мавзусидаги 1-8 саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (44–47–бетлар).
6. Бу ҳафта давомида ўтиладиган мавзуга “Маънони тушуниш” ва “Амалда қўллаш” саволларини тузинг. Бу вазифани гуруҳ етакчиси ёрдамида бажариб, тузилган саволларни муҳокама қилинг.
7. *Учинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (17–18–бетлар).
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: иккинчи ҳафта

Мазкур босқичда ҳам сиз, олдингидай, оятлар солинадиган халтачадан фойдаланасиз. Ҳар ҳафта “Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар” қисми билан батафсил танишинг, сўнг ҳафталик режага амал қилинг.

Оятлар ҳақида

Г РУКНИ — “МАСИХНИНГ ШОГИРДИ БЎЛИНГ” МАВЗУСИ

Масих хочдаги ўлими орқали дунёга нажот берди. Бу улуг бурчдан ташқари Унинг энг муҳим мақсадларидан бири — шогирдлар тайёрлаш эди. Шогирдлар кўпайиб, Хушхабарни дунёга етказишлари ва бутун дунёни ўзгартиришлари керак эди.

Исо кўплаб одамларга воизлик қиларди, бироқ баъзи пайтлари Унинг айтган гаплари гўёки тингловчиларнинг ихлосини қайтаргандай туюларди. Сабаби шуки, Худони шунчаки тилда эъозлайдиган шогирдлар Исога керак эмасди. У садоқатли, Худо учун жонини ҳам беришга тайёр бўлган, ишончли инсонларни шогирд қилишни истарди. Мазкур босқич давомида биз ҳақиқий шогирдлар эга бўлиши керак бўлган олтита хислат ҳақида сўз юритамиз.

БИРИНЧИ МАВЗУ: МАСИХГА ЭРГАШИШЛАР

Исо Масих ҳаётимизнинг Соҳиби ва Раббийси бўлиши даркор. Ҳаётимизнинг ҳар бир вазиятида биз Унга эргашишимиз керак. Қалбимиз бутунлигича фақатгина Унга бағишланган бўлиши лозим. Ҳеч ким ва ҳеч нарса биз учун Ундам муҳимроқ бўлиши керак эмас. Забур муаллифи шундай ёзган эди: “Сендан бошқа кимим бор самода?! Сендан ўзгасини истамасман ер юзида.” (Забур 72:25).

Матто 6:33. Биз биринчи навбатда бутун эътиборимизни Худони мамнун қилишга, Унинг иродасини бажаришга қаратишимиз керак. Шунда Худо бизга ғамхўрлик қилиб, зарур бўлган барча моддий нарсаларни етказиб беради. Биз доим юрагимизни текшириб туришимиз керак, Худо қалбимизнинг тўрини эгаллаганига ишонч ҳосил этишимиз зарур.

Луко 9:23. Инсоний табиатимиз, бизнинг ўзлигимиз доим Масихнинг ўрнини эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Шу сабабдан Исо Масих шундай дейди: “Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин...”, бу эса — худбин истаклардан воз кечсин дегани.

Ҳафталик режангиз

1. “Г” рукнига оид дастлабки иккита оятни — Матто 6:33 ва Луқо 9:23ни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг. Мазкур “Г” рукнига оид қолган оятларни эса қутичанинг орқа томонида сақланг.
2. Одатдагидек, биринчи оятни дастлабки икки кун давомида, иккинчи оятни кейинги икки кун давомида ёд олинг. “А” ва “В” рукнига оид оятларни халтачага солиб, уларни ҳар куни такрорланг.
3. Ҳафтанинг охирига келиб, ўзингизни текшириш учун ёд олган оятларингизни ёзинг ёки уларни бировга айтиб беринг. Бутун босқич давомида шуни ўзингизга одат қилиб олинг.

“Худонинг табиати” мавзусига тузилган “Маънони тушуниш учун” ва “Амалда қўллаш учун” саволлар (1–8–саволлар)

(Бу саволларни гуруҳда етакчининг ёрдами билан тузинг)

Савол рақами

Маънони тушуниш учун савол

Савол рақами

Амалда қўллаш учун савол

УЧИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* Учинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб чиқинг (19–20–бетлар). “Дунёга мослашманглар” мавзусидаги 1 Юҳанно 2:15–16 ва Римликлар 12:2–оятларни ёд олинг.
2. *Соқин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг. **Page 18**
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш:* Биринчи бобнинг “Худонинг табиати” мавзусига берилган 9–18–саволларга жавоб беринг, сўнг ушбу мавзуга ўз хулосангизни ёзинг (47–50–бетлар).
4. *Қўшимча мавзулар:* “Дастурни ўзлаштириш жадвали”даги топшириқларни бажаринг, жадвалнинг тўлдирилмаган жойларини тўлдиринг.

Page 19

УЧИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Дунёга мослашманглар” мавзусига оид 1 Юҳанно 2:15-16 ва Римликларга 12:2–оятларини ёд олинг.

2. Сокин вақт пайтида “*Дастурни ўрганиш кундалиги*”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. *Муқаддас Китобни ўрганиш*: Биринчи бобнинг “Худонинг табиати?” мавзусига оид 9–18–саволларга берган жавобларингизни гуруҳда муҳокама қилинг (47–50–бетлар).
6. Бу ҳафта давомида ўтиладиган мавзуга “Маънони тушуниш” ва “Амалда қўллаш” саволларини тузиб, уларни гуруҳда муҳокама қилинг.
7. *Тўртинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (20–бет).
8. Дарсни ибодат билан яқунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: учинчи ҳафта.

Оятлар ҳақида

2–МАВЗУ: “ДУНЁГА МОСЛАШМАНГ”

Биз бу дунёга мослашмаслигимиз керак. Дунё деганда — моддий дунё ёки бу дунёда яшаётган одамлар эмас, аксинча, дунё системаси, унинг қадриятлари назарда тутилади. Чунки дунёдаги қадриятлар бизни Худога қарши бош кўтаришга, Унга бўйсунмасликка ундайди. Бу дунё системаси шайтонга тобедир, шунинг учун Исо шайтонни “бу дунёнинг ҳоқими” деб атади (Юҳанно 12:31, 14:30, 16:11 га қаранг), Павлус шайтонни “бу дунёнинг тангриси” дейди (2 Коринфликларга 4:4). Дунё стандартлари шу қадар бузилиб кетганки, Исо бу ҳақда шундай деган: “Инсонлар орасида юсак қадриятга эга бўлган ҳар қандай нарса Худонинг назарида жирканчдир” (Луко 16:15). Дунёга мослашмаслик бу — тарки дунё қилиш, одамлардан узоқлашиш, одамови бўлиш дегани эмас. Биз бу дунёда яшашимиз, Худонинг қадриятларига эга бўлишимиз ва Хушхабарни инсонларга етказишимиз керак.

1 Юҳанно 2:15–16. Бу оятда: “Дунёга кўнгил боғлаган одам Худони сева олмайди”, деб ёзилган. Дунёга бўлган муҳаббат — “тана нафси”, яъни айш–ишратга муккасидан кетиш, “ҳирсли кўзлар” — пулга ўчлик ва “бойлик билан мактаниш” — ўзини бошқалардан устун қўйиш каби иборалар билан таърифланган.

Римликларга 12:2. Бу оятда Павлус бизга: “Бу дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар”, деб насиҳат қилади. Биз Худонинг Каломини ўқиб, унинг мағзини чаққанимизда, бизнинг онгимиз тубдан ўзгариб бораверади.

Ҳафталик режангиз

1. 1 Юҳанно 2:15–16 ва Римликларга 12:2–оятларни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг.
2. Ўтган ҳафта ёд олган оятларингизни — Матто 6:33 ва Луко 9:23 ни “В” рукнига (“Худонинг таъминотига таянинг”) оид оятларнинг орқа томонида қўйинг. Кейинги бетдаги расмга қаранг. **Page 20.**
3. Энди “В” рукнининг дастлабки иккита оятини 1 Коринфликлар 3:16 ва 1 Коринфликлар 2:12–оятларни халтачадан чиқариб, расмда кўрсатилгандек қутичага солинг. *Эътибор беринг, бундан буён сиз бу янги усулдан фойдаланасиз.*
4. Сиз 5–босқичда қўллайдиган яна битта янги усул қуйидагидан иборат: сиз халтачанинг чўнтагига ҳар ҳафта “А” ёки “Б” ва кейинчалик “В” рукнларига оид оятларни галма–галдан соласиз. Ҳар ҳафта такрорланадиган оятларни алмаштирасиз. Шу йўсинда, сиз ҳафта давомида ҳар куни бир рукнга оид оятларни такрорлаб, уч ҳафтадан кейин “А”, “Б” ва “В” рукнларига оид ҳамма оятларни такрорлаб бўласиз. Ҳозирча “В” рукнига оид оятларни (дастлабки иккитасидан ташқари) янги ўрганган “Т” рукни оятлари билан бирга қутининг бир четиде сақланг. Ҳар ҳафта “А” ва “Б” рукнига оид оятларнинг ўрнини алмаштиринг (“*Масиҳ билан янги ҳаётга қадам ташлаш*” мавзусига оид 5–оятни “А” рукни билан бирга сақланг). Бу ҳафта “А” рукнига оид оятларни “Б” рукни оятлари билан алмаштиринг.

- Одатдагидай, ҳафтанинг охирига келиб, ўзингизни текшириш учун ёд олган оятларингизни ёзинг ёки уларни бировга айтиб беринг.

Picture

Series D unlearned verses – “Г” рукни, ёд олинмаган оятлар.

SERIES A AND B exchange a series each week — “А” ва “Б” рукнлари, ҳар ҳафта ўринларини алмаштиринг.

SERIES C 1 or 2 out of front each week — “В” рукни, ҳар ҳафта халтачадаги 1 ёки 2–оятни чиқариб, қутичага солинг.

1 or 2 cards (from series D) into back each week. “Г” рукни, 1 ёки 2–оятни халтачага солинг.

“Худонинг табиати” мавзусига тузилган “Маънони тушуниш учун” ва “Амалда қўллаш учун” саволлар

(9–18–саволлар)

(Бу саволларни гуруҳда етакчининг ёрдами билан тузинг)

Савол рақами

Маънони тушуниш учун савол

page 21

Савол рақами

Амалда қўллаш учун савол

ТЎРТИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

- Оятларни ёд олиш:* Тўртинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (22–бет). “Имонда маҳкам туринглар” мавзусидаги 1 Коринфликларга 15:58 ва Ибронийларга 12:3–оятларни ёд олинг.
- Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
- Муқаддас Китобни ўрганиш:*
 - Иккинчи бобнинг “Худо Каломининг мавқеи” мавзусига берилган 1–9–саволларга жавоб беринг (51–53–бетлар).
 - “Маънони тушуниш”га камида 3та ва “Амалда қўллаш”га 2та савол тузинг (23–бет).

Page 22

ТЎРТИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

- Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Имонда маҳкам туринглар” мавзусига оид 1 Коринфликларга 15:58 ва Ибронийларга 12:3–оятларни такрорланг.
- Сокин вақт пайтида “Дастурни ўрганиш кундалиги”га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
- Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.

4. Аёл ва эркакларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Иккинчи бобнинг “Худо Каломининг мавқеи” мавзусига оид 1–9–саволларга берган жавобларингизни гуруҳларда муҳокама қилинг (51–53–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. Бу ҳафта давомида тузилган “Маънони тушуниш” ва “Амалда қўллаш” саволларини гуруҳда муҳокама қилинг (23–бет).
7. *Бешинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (23–бет).
8. Бешинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан яқунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: тўртинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

3–МАВЗУ: “ИМОНДА МАҲКАМ ТУРИНГЛАР”

Бажариладиган вазифа қанчалар мураккаб бўлмасин, ҳақиқий шоғирд бел боғлаб уни охирига етказди. У орқага чекинмайди, қўйилган мақсад томон астойдил интилади.

1 Коринфликларга 15:58. Агар биз хизматимизни бағишланиб, ғайрат билан бажарсак, Раббимиз йўлида қилган меҳнатимиз зое кетмаслигини ва шижоатимиз муносиб тарзда тақдирланишини Худо бизга ваъда қилади.

Ибронийларга 12:3. Ҳаётимизда шундай ҳолатлар бўладики, имонсизлар бизни қувгин қиладилар, устимиздан кулиб, таҳқирлайдилар. Бироқ бундай вазиятларда ҳам биз ёмонликка ёмонлик қайтармаслигимиз керак. Кўнглимиз чўкмасин, аксинча, Исо Масихдан ибрат олиб, сабр–тоқат қилайлик, У сингари хўрликларга чидайлик.

Ҳафталик режангиз

1. 1 Коринфликларга 15:58 ва Ибронийларга 12:3–оятларни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг.
2. Ўтган ҳафта ёд олган оятларингизни —1 Юҳанно 2:15–16 ва Римликларга 12:2–оятларни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига қўйинг. Сўнг “В” рукнининг олд томонидаги иккита оятни — Ишаё 41:10 ва Филиппиликларга 4:13 ни оятлар сақланадиган кутига солиб қўйинг.
3. Энди “Б” рукнига оид оятларни “А” рукнига оид оятлар билан ўрнини алмаштиринг.
4. Янги оятларни ёд олинг, олдингиларни ҳар куни такрорланг. Оятлар солинадиган халтачани доим ёнингизда олиб юринг, бўш дақиқаларда оятларни кўздан кечириб, улар борасида мулоҳаза қилинг.

Page 23

“Худо Каломининг мавқеи” мавзусига тузилган “Маънони тушуниш учун” ва “Амалда қўллаш учун” саволлар (1–9–саволлар)

Савол рақами

Маънони тушуниш учун савол (камида учта савол тузинг)

БЕШИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш*: Бешинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (24–бет). “Бошқаларга хизмат қилинглари” мавзусидаги дастлабги оятни — Марк 10:45 ни ёд олинг.
2. *Сокин вақт*: Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун махсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиши*: Иккинчи бобнинг “Худо Каломининг мавқеи” мавзусига берилган 10–21–саволларга жавоб бериб, қисқача баён ёзинг (53–58–бетлар).

Page 24

БЕШИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Бошқаларга хизмат қилинглари” мавзусидаги дастлабги оятни — Марк 10:45 ни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтида “*Дастурни ўрганиши кундалиги*” га ёзган фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Иккинчи бобнинг “Худо Каломининг мавқеи” мавзусига оид 10–21–саволларга берган жавобларингизни ва ёзган қисқа баёнингизни гуруҳларда муҳокама қилинг (53–58–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. Бу ҳафта давомида тузилган “Маънони тушуниш” ва “Амалда қўллаш” саволларини гуруҳда муҳокама қилинг (25–бет).
7. *Олтинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (25–бет).
8. Олтинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиши* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: бешинчи ҳафта.

Оятлар ҳақида

4–МАВЗУ: “БОШҚАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИНГЛАР”

Раббимиз Исо хочга миҳланишдан олдин шогирдлар “Худонинг Шоҳлигида орамиздан қайси биримиз энг каттаси бўламиз?” деб баҳс қилган эдилар. Исо уларнинг бу баҳсини фош этиб, Худонинг қадириятлари дунёнинг қадриятларидан кескин фарқ қилишини ва катта бўлмоқчи бўлган инсон ҳаммага хизмат қилиши кераклигини айтади.

Матто 10:45. Исо биз учун намуна бўлди. У бошқаларга хизмат қилиб, Ўз жонини фидо қилди. “Исо Ўз улуғлигидан кечиб, қул қиёфасига кирди. Кўринишда инсонлар сингари бўлди.” (Филиппиликларга 2:7).

Ҳафталик режангиз

1. Марк 10:45—оятни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг.
2. Ўтган ҳафта ёд олган оятларингизни —1 Коринфликларга 15:58 ва Ибронийларга 12:3ларни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига қўйинг. Сўнг “В” рукнининг олд томонидаги иккита оятни — Еремиёнинг Марсияси 3:22–23 ва Саҳрода 23:19 ларни олиб, қутичага — “В” рукнининг тўртта оятига қўшиб қўйинг. “А” рукнига оид оятларни “Б” рукнига оид оятлар билан алмаштиринг. “Б” рукнига оид оятларни ҳар куни такрорланг.
3. Одатдагидай оятларни ёд олиб, такрорланг.
4. Ёд олаётган оятларингизнинг контекстини, яъни берилган матнини ўқишни унутманг. Шунда оятларнинг мазмунини янада яхшироқ тушунасиш.

Page 25

“Худо Каломининг мавқеи” мавзусига тузилган “Маънони тушуниш учун” ва “Амалда қўллаш учун” саволлар (10–21-саволлар)

Савол рақами	Маънони тушуниш учун савол (камида учта савол тузинг)
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
Савол рақами	Амалда қўллаш учун савол (камида иккита савол тузинг)
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

ОЛТИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* Олтинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (26–бет). “Бошқаларга хизмат қилинглари” мавзусидаги иккинчи оятни — 2 Коринфликларга 4:5 ни ёд олинг.
2. *Соқин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш:*
 - а. Учинчи бобнинг “Муқаддас Рух” мавзусига берилган 1–13–саволларга жавоб беринг (59–62–бетлар).
 - б. “Маънони тушуниш”га камида 3та ва “Амалда қўллаш”га 2та савол тузинг (27–бет).
4. *Қўшимча мавзулар:* “Дастурни ўзлаштириш жадвали”даги топшириқларни бажаринг, жадвалнинг тўлдирилмаган жойлари тўлдиринг.

Page 26

ОЛТИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Бошқаларга хизмат қилинглари” мавзусидаги иккинчи оятни — 2 Коринфликларга 4:5 ни такрорланг.

2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг (Дарс охирида Хушхабар эшитган барча одамлар учун ибодат қилинг).
4. Аёл ва эркакларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Учинчи бобнинг “Муқаддас Рух” мавзусига оид 1–13–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (59–62–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. “Маънони тушуниш” ва “Амалда қўллаш”га тузган саволларингизни гуруҳда муҳокама қилинг (27–бет).
7. *Еттинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (27–бет).
8. Еттинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: олтинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

4–МАВЗУ: “БОШҚАЛАРГА ХИЗМАТ ҚИЛИНГЛАР”

Бошқаларга хизмат қилиш осон иш эмас. Бошқаларга хизмат қилгандан кўра, бошқаларнинг бизга хизмат қилгани ҳаммамизга хуш ёқади. Бироқ Исо Масих хизматнинг асл маъносини бизга очиб берди.

2 Коринфликларга 4:5. Павлуснинг ҳаётида Исо Масихнинг ҳокимияти барча нарсдан устувор бўлгани учун, у ўзини аҳамиятсиз инсон деб биларди. Масихни деб, у ҳамманинг хизматкори бўлди.

Ҳафталик режангиз

1. 2 Коринфликларга 4:5–оятни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг.
2. Ўтган ҳафта ёд олган оятингиз — Марк 10:45ни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига қўйинг.
3. Сўнг “В” рукнининг Ишаё 26:3–оятини халтачадан чиқариб олиб, уни қутичага “В” рукнининг олтига оятига қўшиб қўйинг.
4. Халтачадан “Б” рукнига оид оятларни чиқариб, ўрнига “А” рукнига оид оятларни солиб қўйинг.
5. Одатдагидай оятларни ёд олиб, такрорланг.
6. “А” рукнига оид оятларни такрорлар экансиз, *“Масих билан янги ҳаётга қадам ташлаш”* мавзусига оид 5та оятни ҳам такрорлашни унутманг.

Page 27

“Муқаддас Рух” мавзусига тузилган “Маънони тушуниш учун” ва “Амалда қўллаш учун” саволлар (1–13-саволлар)

Савол рақами

Маънони тушуниш учун савол

Савол рақами

Амалда қўллаш учун савол

ЕТТИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш*: Еттинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (28–бет). “Саховат билан беринглар” мавзусидаги дастлабги оятни – Ҳикматлар 3:9–10 ни ёд олинг.
2. *Сокин вақт*: Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус – бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш*: Учинчи бобнинг “Муқаддас Рух” мавзусига берилган 14–22–саволларга жавоб бериб, қисқача баён ёзинг (53–58–бетлар).
4. *Қўшимча мавзулар*: 4–босқичнинг 2–дарсида ўтилган “ЗАЙЛ” мавзусини кўздан кечиринг (15–21–бетлар). Кейинги дарсга 4–босқич китобини ўзингиз билан олиб келинг.

Page 28

ЕТТИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Саховат билан беринглар” мавзусидаги дастлабки оятларни — Ҳикматлар 3:9–10 ни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Учинчи бобнинг “Муқаддас Рух” мавзусига оид 14–22–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (62–66–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. 4–босқичнинг “ЗАЙЛ” мавзусида ўтилган “Назорат жадвали” ва “Хушхабар айтиш рўйхати”нинг самарадорлигини муҳокама қилинг.
7. “ЗАЙЛ” мавзусининг мазкур дарсда ўтилаётган “Зарур бўлган шахсий кундалик” ва “Йил давомидаги ибодатлар” рўйхатини гуруҳда муҳокама қилинг (29–бет).
7. *Саккизинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (29–бет).
8. Саккизинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: еттинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

5–МАВЗУ: “САХОВАТ БИЛАН БЕРИНГЛАР”

Худо бизни шу қадар севдики, биз учун Ўз Ўғлини фидо қилди. Ҳа, Худонинг саховати чексиздир. Масихнинг ҳақиқий издоши бўлган ҳар қандай одам ҳам, Худо сингари сахий бўлиши даркор. Македония ўлкасидаги масихийлар ўз саховатлари билан ажралиб турганлар. Павлус улар ҳақида шундай ёзган: “Улар қўлларидан келганча, ҳатто имконларидан ҳам ортиқ хайр-эҳсон берганларига мен шоҳидман.” (2 Коринфликларга 8:3). Македониялик биродарлар ўзларини тўлиқ Худога бағишлаганлари учун саховат билан хайр-эҳсон қила олган эдилар (5–оятга қаранг).

Ҳикматлар 3:9–10. Донишманд Сулаймон бир деҳқон мисолида бизга сабоқ бериб, оддий бир ҳақиқатни уқтиради: сахийликда ҳеч ким Худодан ўзиб кетмайди. Унинг сахийлиги бизникдан минг ҳисса ортиқдир.

Ҳафталик режангиз

1. Ҳикматлар 3:9–10–оятни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг. Ўтган ҳафта ёд олган оятингиз — 2 Коринфликларга 4:5 ни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига кўйинг.
2. Халтачадан “А” рукнига оид оятларни чиқариб, ўрнига “Б” рукнига оид оятларни солиб кўйинг.
3. Сўнг “В” рукнининг 1 Бутрус 5:7–оятини халтачадан чиқариб олиб, уни қутичага “В” рукнининг еттита оятига кўшиб солиб кўйинг.
4. Одатдагидай оятларни ёд олиб, уларни такрорланг. Оятлардан суҳбатларда фойдаланинг, хатларда дуо тариқасида ёзинг.

Page 28

“ЗАЙЛ” мавзуси

“Биласизлар—ку, мусобақада кўп югурувчилар қатнашади, аммо фақат бир киши ғолиб чиқиб, мукофот олади. Сизлар ҳам шундай югурингки, мукофотни қўлга киритинглар. Ахир, мусобақада қатнашадиган одам ўз нафсини тийиб, тартиб—интизом билан машқ қилади—ку! Улар сўлиб қоладиган тож олиш учун шундай қиладилар, биз эса боқий тож олиш учун ҳаракат қиламиз. Шунинг учун мен мақсадсиз югурмайман, курашганимда зарбаларим аниқ бўлади. Танамни чиниқтириб, уни ўз ихтиёримга бўйсундираман, токи бошқаларга Хушхабарни ваъз қилиб туриб, ўзим мукофотга нолайиқ бўлиб қолмайин.”

— 1 Коринфликларга 9:24–27

Бу парчада тақдир мусобақасида иштирок этган масиҳийлар ҳақида сўз юритилган. Бошқача қилиб айтганда, имон соҳиби бўлган инсон ҳаётидаги мақсадига эришиши учун, ўзини тута билиши, тартиб—интизомга бўйсунуши, нафсини тия олиши керак. ЗАЙЛ тушунчаси бизга тақдиримиздаги мусобақада ғолиб бўлишимизга ёрдам беради. ЗАЙЛ қуйидаги маънони ифодалайди:

З – зарур бўлган шахсий кундалигингиз

А – айтиладиган Хушхабар (танишларингиз рўйхати)

Й – йил давомидаги ибодатларингиз

Л – лаёқатингизни текширинг (назорат жадвали)

ЗАЙЛ мавзуси билан биз 4–босқичда батафсил танишиб, “Лаёқатингизни текширинг”, яъни “Назорат жадвали” ва “Айтиладиган Хушхабар”, яъни “Танишларингиз рўйхати” билан ишлаган эдик. Буларни кўздан кечириб чиқмоқчи бўлсангиз, 4–босқичнинг 15–21–бетларига қаранг. Мазкур босқичда биз ЗАЙЛнинг қолган икки қисми — “Зарур бўлган шахсий кундалигингиз” ва “Йил давомидаги ибодатларингиз” билан ишлаймиз.

Шахсий кундалик — Сиз кейинги тўрт ҳафта давомида камида уч марта ўз мулоҳазаларингизни кундаликка ёзишингиз керак бўлади. Ҳамма ёзувларни бир ҳафта ичида ёзиш ман этилади.

Йил давомидаги ибодатларингиз — Рўйхатга Худодан сўраган камида бешта муҳтожлигингизни ёзинг. Бу муҳтожликларингиз учун икки ҳафта давомида ҳар куни ибодат қилинг. (Ибодатларингизни ёзиш учун бўш варақалар дастурга илова қилинган).

Бу топшириқ 11–дарсда баҳоланади.

САККИЗИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* Саккизинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (30–бет). “Саховат билан беринглар” мавзусидаги навбатдаги оятларни – 2 Коринфликларга 9:6–7 ларни ёд олинг.
2. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус – бўлган жойларни белгилаб боринг.

3. *Муқаддас Китобни ўрганиш*: Тўртинчи бобнинг “Руҳий жанг” мавзусига берилган 1–14–саволларга жавоб беринг (67–70–бетлар).

Page 30

САККИЗИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Саховат билан беринглар” мавзусига оид навбатдаги оятларни — 2 Коринфликларга 9:6–7 ларни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Тўртинчи бобнинг “Руҳий жанг” мавзусига оид 1–14–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (67–70–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. *Тўққизинчи дарс учун топшириқлар* бўлимидани ўқинг.
7. Тўққизинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
7. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: саккизинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

5–МАВЗУ: “САХОВАТ БИЛАН БЕРИНГЛАР”

Павлус ўз вақтини аямай, бутун вужуди билан хизматга бағишланарди, у барпо қилган жамоатлар ҳам кўпинча сахий назрлар бериб, саховат билан хизмат қилишарди. Павлус бундай одамларни мақтаб, уларни иззатларди.

2 Коринфликларга 9:6–7. Бу парчада Павлус назру эҳсон берувчи одамни уруғ сепаётган дехқонга ўхшатади. Мўл уруғ эккан одамгина мўл ҳосил олишга умид боғлаши мумкин. Худога назр аташ ҳар биримизнинг шахсий масаламиздир. Ҳар биримиз бу масалада Худонинг иродасини билишга интилиб, Уни рози қилишимиз керак. Эсимизда тутайлик, Худога сахий, қизганмай, шодлик билан назр берадиган инсон ёқади.

Ҳафталик режангиз

1. 2 Коринфликларга 9:6–7–оятларни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг. Ўтган ҳафта ёд олган оятингиз — Ҳикматлар 3:9–10 ларни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига қўйинг.
2. Сўнг “В” рукнининг Римликларга 8:32–оятини халтачадан чиқариб олиб, уни қутичага “В” рукнининг олдинги саккизта оятга қўшиб солиб қўйинг.
3. Халтачадан “Б” рукнига оид оятларни чиқариб олиб, ўрнига “А” рукнига оид оятларни солиб қўйинг.
4. Одатдагидай оятларни ёд олиб, такрорланг.

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш*: Тўққизинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (32–бет). “Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглар” мавзусидаги дастлабги оят – Ҳаворийлар 1:8 ни ёд олинг.
2. *Сокин вақт*: Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус бўлган жойларни белгилаб боринг.

3. *Муқаддас Китобни ўрганиш*: Тўртинчи бобнинг “Рухий жанг” мавзусига берилган 15–22–саволларга жавоб беринг (71–73–бетлар).
4. *Қўшимча мавзулар*:
 - а. 32–36–бетлардаги “Бажариладиган ишлар рўйхати” ҳамда “Кундалик ва ҳафталик режа” мавзусини ўқиб, ўзлаштиринг.
 - б. “Дастурни ўзлаштириш жадвали”даги топшириқларни бажаринг, жадвалнинг тўлдирилмаган жойлари тўлдиринг.

Page 32

ТЎҚҚИЗИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглар” мавзусига оид дастлабги оят – Ҳаворийлар 1:8 ни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафтalar давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Тўртинчи бобнинг “Рухий жанг” мавзусига оид 15–22–саволларга берган жавобларингизни ва ёзган қисқа баённи муҳокама қилинг (71–73–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. “Бажариладиган ишлар рўйхати” (32–34–бетлар) ҳамда “Кундалик ва ҳафталик режа” мавзусини (35–36–бетлар) муҳокама қилинг.
7. *Ўнинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (36–бет).
8. Ўнинчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: тўққизинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

6–МАВЗУ: “ЖАҲОНГА ЧИҚИБ, НАЖОТНИ ЕТКАЗИНГЛАР”

Исо Масих Ўз шогирдларига айтган сўнги сўзлари “дунёга нажот хабарини етказиш” билан боғлиқ эди. Қалбининг энг чуқур истаги ҳам шу эди.

Ҳаворийлар 1:8. Исо Ўз шогирдларига Муқаддас Рухни юборишни ваъда қилади. Муқаддас Рухнинг кучи билан улар ер юзининг энг олис жойларига ҳам бориб, Масих ҳақида шаҳодат берадилар. Бу буюк вазифани улар энг яқин одамларидан бошлайдилар.

Ҳафталик режангиз

1. Ҳаворийлар 1:8–оятни халтачанинг ташки чўнтагига солинг. Ўтган ҳафта ёд олган оятларингиз — 2 Коринфликларга 9:6–7 ларни “В” ва “Г” рукнларининг орқа томонига кўйинг.
2. Сўнг “В” рукнининг Филиппиликларга 4:19–оятини халтачадан чиқариб олиб, уни қутичага — “В” рукнининг олдинги оятларига қўшиб қўйинг.
3. Халтачадан “А” рукнига оид оятларни чиқариб, ўрнига “Б” рукнига оид оятларни солиб қўйинг.

“Бажариладиган ишлар рўйхати”дан қандай фойдаланиш керак?

Агар сиз самарали бошқарув ҳақида китоблар ўқиган ёки семинарларда қатнашган бўлсангиз, албатта “Бажариладиган ишлар рўйхати” ҳақида эшитгансиз. **Page 33** Бундай рўйхатлар самарадорликни оширишда зарур қуроллардан бири ҳисобланади.

“Бажариладиган ишлар рўйхати”ни тузиш жуда осон, шунга қарамай бундай рўйхат шахсий ҳаётингиз, касбингиз, оилангиз, хизматингиз ва тадбиркорлигингизда тартиб ва самарадорликка катта ҳисса қўшади.

Бундай рўйхатни тузганингизда, бор-йўғи қилиниши керак бўлган ишларни тартиб билан бир парча қоғозга ёзасиз. Бажарган ишингизни рўйхатдан ўчирасиз. Бу сизга тугаллик ҳиссини беради, бундан ташқари қилинмаган ишларни яққол кўрсатиб туради.

Сиз “бажариладиган ишлар рўйхати”ни ҳар кун ва ҳар ҳафта учун тузишингиз мумкин. Келажак учун ҳам мақсад қўйиб, “бажариладиган ишлар рўйхати”ни тузсангиз бўлади.

БИР КУН УЧУН ТУЗИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Агар сиз саҳарда уйғонадиган турдаги инсон бўлсангиз, бажариладиган ишлар рўйхатини эрталаб тузишингиз мумкин. Рўйхатни эрталабги ибодатдан сўнг, кундалик ишларга шўнғиб кетмасингиздан олдин ёзсангиз бўлади.

Рўйхатни эртанги кун учун ётар пайтида тузиб қўйишингиз ҳам мумкин. Шунда, эртаси кун рўйхат тузишга вақт кетказмай, тўғридан-тўғри ишни бошлашингиз мумкин.

Кун давомида бир неча марта рўйхатни кўздан кечиришингиз керак бўлади. Эътиборингизни биринчи навбатда доим муҳим ишларга қаратинг.

БИР ҲАФТА УЧУН ТУЗИЛГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Бундай турдаги рўйхат икки хил усулда тузилиши мумкин. Биринчи усул: сиз кейинги етти кунда бажаришни мўлжаллаган ишларни рўйхатга ёзасиз. Сўнг ҳафта давомида рўйхатдаги ҳамма ишларни битта қолдирмай бажаришга ҳаракат қиласиз.

Иккинчи усул кўп одамлар қўллайдиган усул бўлиб, қуйидагича тузилади: Келаси ҳафта қилиш эҳтимоли бўлган ҳамма ишларни ёзинг. Бу турдаги рўйхат “яхши ният” рўйхати деб аталади, чунки уни тўлиқ амалга оширишни ҳеч иложи йўқ. Сўнг сиз бу рўйхатдан қилишингиз шарт бўлган ва қила оладиган ишларни танлаб, уларни бажарасиз.

КЕЛАЖАКДА БАЖАРИЛАДИГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

Бу турдаги рўйхатга “қўшимча” ишлар киритилади. Мисол учун, сиз бугунги кунга ёки бу ҳафтага режалаштириб қўйган маълум бир ишни бажара олмадингиз, дейлик. Лекин уни бирон кун бажариш ниятингиз бор, бундай ҳолда сиз бу ишни “келажакда бажариладиган ишлар рўйхати”га киритасиз.

Шунингдек, сиз бу рўйхатга ҳозир бажаришнинг имкони бўлмаган, лекин бир неча ҳафтадан ёки ойдан кейин бажарса бўладиган ишни киритишингиз мумкин. Бундай ишларни рўйхатга киритсангиз, вақти келганида улар эътиборингиздан четда қолмайди ва уларни албатта бажарасиз.

Режалаштирилган ҳар бир иш ёнига бажарилиш санасини ёзишингиз мақсадга мувофиқ бўлади.

Агар сиз ойлик ёки йиллик календарьдан фойдалансангиз, мўлжаллаган ишни қачон бажаришингизни календарьга белгилашингиз мумкин.

Page 34

УЧ ТУРДАГИ РЎЙХАТЛАРНИНГ НАМУНАСИ

Кунда бажариладиган ишлар рўйхати:

5 февраль

Зафарга қўнғироқ қилиш

Гуруҳимиз учун ибодат қилиш

Бозор қилиб келиш

Рустам ва Ситорага хат ёзиш

Газ ҳақини тўлаб келиш

Замиранинг ҳол-аҳволини сўраш

“Ўтган кунлар” романининг бир бобини ўқиш

Бир ҳафтада бажариладиган ишлар рўйхати:

4–10–февральда бажариладиган ишлар

Ётоқхонанинг чирогини тузатиш

Итмўтий 4 бобини ўрганиб чиқиш

Якшанба кунини онамни кўриб келиш

Болаларни ҳайвонот бозига олиб бориш

Рўзғорга қанча пул кетишини ҳисоблаш

Тузлама учун қарам сотиб олиш

Муродни тиш докторига олиб бориш

Сабоҳатга кўнгироқ қилиш

Тоққа чиқишни пухта режалаштириш

Иссиқ оёқ кийим сотиб олиш

Боходир ва Дилобарга хат ёзиш

Келажақда бажариладиган ишлар рўйхати:

Ошхонанинг ойнасини алмаштириш

Еремиё китобини ўқиб чиқиш

Ислонни кўргани Сурхандарёга бориб келиш

Болаларни балиқхўрликка олиб бориш

Расмларни чиқариш

Китоблар учун жавон ясаш

Ёзги таътилни режалаштириш

Page 35

Кундалик ва ҳафталик режа

РЕЖА ТУЗИШГА ТАЛАБ ЭТИЛАДИГАН ВАҚТ

Одатда, бир ҳафтада бажариладиган ишлар рўйхатини тузиш учун сизга ўн дақиқадан ўттиз дақиқагача вақт керак бўлади. Агар вазиятингиз мураккаброқ бўлса, режа тузишингиз учун кўпроқ вақт талаб қилиниши мумкин. Ҳафталик режа тузишнинг энг қулай вақти — шанба ёки якшанба кунларидир, чунки бу кунларда одам бўш бўлиб, бемалол, шошилмасдан бажариладиган ҳамма ишларни бир бошидан кўриб чиқиши мумкин. Баъзи одамлар бир ҳафталик режани душанба кунини азонда тузишни хуш кўрадилар. Сиз режа тузишга ўзингиз учун қулай бўлган бир вақтни танланг.

РЕЖА ТУЗИШ БЎЙИЧА МАСЛАҲАТЛАР

Одатда ҳафталик режани кундалик режа билан бирга тузиш керак. Бу жуда оддий ва самарали усул. Қуйидаги маслаҳатлар сизга режа тузишда асқотади:

Ҳафта давомида бажариладиган ишлар рўйхатини ёзинг

Бу ҳафтада нималар қилиниши керак? Ҳамма ишларни рўйхатга киритинг. Юқорида айтганимиздай, бу “яхши ният” рўйхати. Ҳозирча қайси ишлар муҳим, қайсилари муҳим эмас, қай бирилари қилиш мумкин, қайсиларни қилишнинг асло иложи йўқлиги ҳақида ўйламанг.

Ёзган рўйхатингизни кўздан кечиринг

Рўйхатни кўздан кечирар экансиз, ҳар бир ишни баҳолаб, ибодат қилинг. Бу ишга тахминан бир дақиқадан ўн беш дақиқагача вақт кетиши мумкин. Сўнг рўйхатдаги бажарилиши муҳим бўлган ишларни белгиланг. Бу ишларнинг баъзилари шу ҳафтада бажарилиши шарт, бошқаларини эса кейинроқ ҳам қилса бўлади.

Ишнинг муҳимлигини белгилайдиган учта омил мавжуд. Булар қуйидагилардир:

Муддат. Ҳар бир иш ўз вақтида, белгиланган муддатда бажарилиши лозим. Мисол учун, уй арендаси ёки машинанинг кредит пулини вақтида тўлаш зарур. Уй вазифаси дарсдан олдин бажарилиши шарт. Зарур тўловларни ҳам орқага суриб бўлмайди. Демак, муддат ишнинг муҳим ёки муҳим эмаслигини белгилайдиган омилдир.

Аҳамият. Бажариладиган ишнинг аҳамияти ҳам унинг муҳимлигини белгилайдиган омил ҳисобланади. Мисол учун, буларга — ибодат қилишингиз, турмуш ўртоғингиз билан режа тузишингиз, болалар билан вақт ўтказишингиз ва зарур хатларни ёзишингиз кириши мумкин.

Тайёргарлик иши. Кўп ҳолларда муҳим бир ишни бажариш учун тайёргарлик кўриш керак бўлади. Мажлис учун вақт белгилаш, иштирокчиларга қўнғироқ қилиб, уларни мажлисга чақиришингиз ҳам, мажлисда муҳокама қилинадиган муҳим ишга тайёргарлик иши ҳисобланади. Шу сабабдан тайёргарлик иши ҳам ниҳоят даражада муҳимдир.

Муҳим ишларни белгилаб, бажариладиган санасини ёзинг.

“Энг муҳим ишлар”ни бажаришга ҳар куни вақт ажратинг. Ҳафта давомида сиз кундалик вазифаларингиздан ташқари белгиланган “Энг муҳим ишлар”ни ҳам бажаришингиз лозим. Агар бу ҳафтага муҳим учрашувларингиз белгиланган бўлса, уларни ҳам режангизга албатта киритинг.

Энди қолган ишларни ҳам бажариладиган кунларга тақсимлаб ёзсангиз бўлади. Муҳим бўлмаган кундалик ишларни сиз ўша кундан олдин ёзишингиз мумкин.

Page 36

Кун давомида бажариладиган ҳар бир ишнинг муҳимлигига қараб рақамини ёзинг.

Энг муҳим ишларни биринчи навбатда бажарадиган бўлинг. Сўнг қолган ишларни қилаверинг. Муҳим ишларни биринчи бўлиб бажараман, деб Худога ваъда беринг.

Мана энди, сиз бир ҳафталик ва кундалик режага эгасиз. Бир кунга режалаган ишларингизни тугатишга улгурмасангиз уларни кейинги ёки бошқа кунга кўчиринг.

Кундалик режангизни ҳафталик режага асосланиб тузинг. Агар сиз келажакда бажариладиган ишлар рўйхатига эга бўлсангиз бу рўйхатни ҳам ҳисобга олинг. Кунда бажариладиган ишлар рўйхати бу — энг асосий қуролингиздир. Ишларингизни кечиктирмай, ўз муддатда бажаришингизда у сизга асқотади. Ҳафтада бажариладиган ишлар рўйхати сизга кундалик ишларни режалаштиришда ёрдам беради.

Бир ҳафтадан кейин, келгуси ҳафтада бажариладиган ишлар рўйхатини тузинг. Агар ўтган ҳафта давомида сиз баъзи ишларни бажаришга улгурмаган бўлсангиз, уларни келгуси ҳафта режасига киритишингиз мумкин. Ҳафталик режангизга келажакда бажариладиган ишларни ҳам киритсангиз бўлади.

Муқаддас Рухга кулоқ солинг. Режаларни тузганингизда албатта ибодат қилинг, қиладиган ҳар бир ишингиз Муқаддас Китоб ақидаларига асосланган бўлсин.

Биринчи босқичнинг 3–бобида келтирилган Чарльз Хаммелнинг “Шошилинич ишларнинг чангалидан қутилмоқ” парчасини ўқисангиз мақсадга мувофиқ бўлади (21–24–бетлар). Вақтингизни тўғри ишлата олишингиз учун сизга Алан Лакейнинг “Вақтингиз ва ҳаётингизни самарали бошқаринг” номли китобини тавсия қиламиз.

ЎНИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:*

а. Ўнинчи ҳафтага берилган кўрсатмаларни ўқиб, машқларни бажаринг (37–бет). “Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглар” мавзусидаги навбатдаги оятлар – Матто 28:19–20 ларни ёд олинг.

б. Оятларни ёд олиш *тематик тизими*га мансуб бўлган 48 та оятни уларнинг мавзуси ва манзилени айтиб беринг. “Дастурни ўзлаштириш жадвалига” *ўзлаштирди*, деб ёзилиши учун сиз ҳамма оятларни 100% тўғри айтиб беришингиз шарт.

2. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун маҳсус – бўлган жойларни белгилаб боринг.

3. *Муқаддас Китобни ўрганиш:* Бешинчи бобнинг “Масихнинг қайтиб келиши” мавзусига берилган 1–7–саволларга жавоб беринг (74–77–бетлар).

4. *Қўшимча мавзулар:* “Дастурни ўзлаштириш жадвали”нинг режа қисмига баҳо қўйилиши учун, етти кун давомида сиз ҳар куни бажариладиган ишлар рўйхатини тузишингиз ва унга амал қилишингиз зарур. Бу вазифани ўн биринчи дарсгача бажаришга ҳаракат қилинг.

Page 37

ЎНИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “Жаҳонга чиқиб, нажотни етказинглар” мавзусига оид навбатдаги оятлар – Матто 28:19–20 ларни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Бешинчи бобнинг “Масиҳнинг қайтиб келиши” мавзусига оид 1–7–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (74–77–бетлар).
5. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
6. Сиз ёд олган 48 та оятнинг тематик тизимига оид ёзма ишни бажаринг (38–40–бетлар).
7. *Ўн биринчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг (40–бет).
8. Ўн биринчи дарснинг *Муқаддас Китобни ўрганиш* қисмини олиб борадиган етакчиларни тайинланг.
9. Дарсни ибодат билан якунланг.

Оятларни ёд олиш бўйича кўрсатмалар: ўнинчи ҳафта

Оятлар ҳақида

6–МАВЗУ: “ЖАҲОНГА ЧИҚИБ, НАЖОТНИ ЕТКАЗИНГЛАР”

Матто 28:19–20. Масиҳнинг ҳар бир ҳақиқий шогирди Унинг “Буюк топшириғини” ўз қалбида кўз қорачиғидай сақлайди, доим бу топшириққа амал қилади. Барча халқлардан шогирд орттиришни сиз ҳозирги жойда, қаерда бўлишингиздан қатъий назар, амалга оширишингиз мумкин. Сиз олис юртларда хизмат қилаётган миссионерлар учун ибодат қилишингиз, уларга моддий ёрдам кўрсатишингиз ва уларга хатлар ёзиб, хабар олиб туришингиз мумкин. Энг муҳими Худонинг режасида ўз вазифангизни бажаришга доим тайёр туринг.


Ҳафталик режангиз

1. Матто 28:19–20–оятларни халтачанинг ташқи чўнтагига солинг. Ўтган ҳафта ёд олган оятингиз — Ҳаворийлар 1:8 ни “Г” рукнининг орқа томонига қўйинг.
2. “В” рукнининг сўнгги оятларини Ибронийларга 2:18 ва Забур 118:9–11 ларни халтачадан чиқариб олиб, қутичага “В” рукнининг олдинги оятларига қўшиб қўйинг. Кейин халтачадан “Б” рукнига оид оятларни чиқариб, ўрнига “В” рукнига оид оятларни солиб қўйинг. Бундан буён сиз “А” ва “Б” рукнларини “В” рукни билан алмаштириб турасиз.
3. Одатдагидай оятларни ёд олиб, такрорланг. Ҳар куни “В” ва “Г” рукнларига оид оятларни такрорланг.
4. Оятларнинг контекстини ўқиш эсингиздан чиқмасин.
5. Бу дарсда ёзма ишни топширишга тайёрланинг. Бунинг учун тематик тизимига оид барча 48–оятнинг мавзуси ва манзилни ёд олинг.

Оятларнинг мавзуси ва манзили борасида ёзма иш

Ўтилган мавзулар, ёд олинган оятлар ва уларнинг манзилларини қуйида ёзинг. “Дастурни ўзлаштириш жадвали”га ўзлаштирди, деб ёзилиши учун сиз ҳамма қаторларга тўғри жавоб ёзишингиз керак.

А. _____



page 39

Б. _____

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

В. _____

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____

5. _____
6. _____

page 40

- Г. _____
1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

ЎН БИРИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш:* “Масихнинг шогирди бўлинг” туркумига оид барча 12 оятни ёддан айтиб беришга тайёр бўлиб келинг. Бажарилмай қолган ҳамма вазифаларни бажаринг.
2. *Сокин вақт:* Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун махсус – бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш:* Бешинчи бобнинг “Масихнинг қайтиб келиши” мавзусига берилган 8–19–саволларга жавоб беринг, ушбу мавзуга қисқача баён ёзинг (77–80–бетлар).
4. *Қўшимча мавзулар:* Еттинчи дарснинг “ЗАЙЛ” мавзусига берилган топшириқларни бажариб келинг.

Page 41

ЎН БИРИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, бу босқичда ёд олган ҳамма оятларни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Ўтган ҳафталар давомида кимларга Хушхабар айтганингизни, “Кўприк” мисолидан қандай фойдаланганингизни гуруҳдагиларга тушунтириб беринг.
4. “Зарур бўлган шахсий кундалик” ва “Ибодатлар рўйхати”дан қандай фойдаланганингизни гуруҳда муҳокама қилинг.
5. Аёл ва эркекларни алоҳида гуруҳларга ажратинг. Бешинчи бобнинг “Масихнинг қайтиб келиши” мавзусига оид 8–19–саволларга берган жавобларингизни муҳокама қилинг (77–80–бетлар).
6. Ҳар бир гуруҳ етакчисининг ишини қисқача баҳоланг.
7. *Ўн иккинчи дарс учун топшириқлар* бўлимини ўқинг.
8. Дарсни ибодат билан якунланг.

ЎН ИККИНЧИ ДАРС УЧУН ТОПШИРИҚЛАР

1. *Оятларни ёд олиш*: “В” ва “Г” рукнларига оид барча оятларни такрорланг. Кейинги ҳафта ҳамма оятларни ёддан айтиб беришга тайёр бўлиб келинг.
2. *Сокин вақт*: Муқаддас Китобни ўқишни давом эттиринг, ўзингиз учун махсус бўлган жойларни белгилаб боринг.
3. *Қўшимча мавзулар*: Бажарилмай қолган барча вазифаларни бажаринг. Кейинги дарсда “Дастурни ўзлаштириш жадвали” тўлдирилиши шарт.

Page 42

ЎН ИККИНЧИ ДАРС

ДАРС РЕЖАСИ

1. Гуруҳларга бўлинган ҳолда, “В” ва “Г” рукнларига оид барча оятларни — жами 24–оятни такрорланг.
2. Сокин вақт пайтидаги фикрларингизни гуруҳдагилар билан ўртоқлашинг.
3. Қолган вақтни суҳбат ва ибодатда ўтказинг. Қуйидагилар учун ибодат қилишингиз мумкин:
 - а. Бу бусқичда олган билимларингиз ва эришган муваффақиятларингиз учун Худога шукроналар айтинг.
 - б. Ушбу босқичда ўзлаштирган билимларингизни амалда қўллай олишингиз учун Худодан ёрдам сўранг.

Page 43

Шогирдлик даври Бешинчи босқич ИМОН АСОСЛАРИ

Мазкур босқич давомида биз Худонинг Каломида ёритилган баъзи асосий ҳақиқатларни тадқиқ қилиб, қуйидаги бешта мавзу билан танишиб чиқамиз:

- Худонинг табиати
- Худо Каломининг мавқеи
- Муқаддас Рух
- Рухий жанг
- Масихнинг қайтиб келиши

Сиз бу ҳақиқатларни ўзлаштирар экансиз, қалбингизда барқарорлик ва тинчлик туйғуси пайдо бўлади. Сиз атрофдаги нарсалар ва ҳодисаларга Худонинг нуқтаи назаридан қарашни ўрганасиз.

Забур муаллифи шундай деган: “Эй Эгам,...қонунингни севганлар буюк тинчликка етар, ҳеч нарса уларга тўсиқ бўла олмайди.” (Забур 118:165). Агар сиз Худонинг Каломини чуқур тадқиқ қилсангиз, ундаги ҳақиқатни яхши ўзлаштириб, уни ҳаётингизда қўлласангиз, босган ҳар бир қадамингиз собит бўлади, ҳеч қандай нарса сизга тўсқинлик қила олмайди. Қалбингизда эса Худонинг тинчлиги қарор топади.

Каломни ўрганишга ташна, Худонинг ҳақиқатини тушунишга очик бўлинг. Бу ҳақиқатни амалда қўллашга тайёр тулинг. Мағрурлик, гуноҳ ва ишочсизлик каби иллатлардан эҳтиёт бўлинг. Бу иллатлар Худога эргашишингизга ва Ундан барака олишингизга йўл қўймайди. Ибодат қилинг, Худо Ўз Каломи орқали сизнинг ҳаётингизни ўзгартирсин.

Page 44

1–БОБ

ХУДОНИНГ ТАБИАТИ

1–қисм

Инсон ҳеч қачон ўз кучи ва иқтидори билан Худонинг Кимлигини, Унинг табиатини англай олмайди. Агар Худо Ўзини бизга аён қилмаганида эди, биз Уни билмаган бўлардик. Бироқ Худо Ўзини бизга аён қилди! Муқаддас Китоб орқали Кимлигини бизга намоён этди. Муқаддас Китобнинг ҳар бир варағида, энг биринчи сўздан бошлаб, то охирги сўзгача Худонинг образи гавдаланади.

ХУДО ҚАНАҚА?

1. Муқаддас Китобда тилга олинган Худонинг номларини қуйида ёзинг:

Ибтидо 17:1

Забур 94:6

Луқо 11:2

1 Тимўтий 6:15

“Худонинг ҳар бир номи кўзланган муайян мақсадда ишлатилади...Ҳар бир ном илоҳий табиатининг бирор жабҳасини бизга аён қилади, шунингдек, парчадаги маънони англаб олишимизга замин яратади.”

— Хаммонд Т.К.

2. Ишаё 45:18–24—оятларни ўқинг. Бу парчадан Худо ҳақида нималарни билиб олдингиз? Жавобингизни қуйида ёзинг.

page 45

3. Қуйидаги оятлардан Худо ҳақида нималарни билиб олса бўлади?

Ишаё 40:28 _____

Юҳанно 4:24 _____

4. Забур 89:3, Еремиё 23:24 (бу оятни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини кўринг), Ёқуб 1:17, 1 Юҳанно 3:20— оятларни ўқинг. Сўнг Худонинг қуйидаги қайси хислати қайси оятда ёритилганини қуйида ёзинг:

Худо қудратлидир

Худо ҳамма нарсани билади (У барча нарсдан воқиф)

Худо ҳамма жойда мавжуддир (У ҳам узоқда, ҳам яқиндадир)

Худо абадийдир

Худо ҳеч қачон ўзгармайди

5. 1 Солномалар 29:10–13—оятларни ўқинг. Бу парчада шох Дувуд Худони қайси сўзлар билан таърифлайди? Жавобингизни қуйида ёзинг.

page 46

Энди ана шу оятлар мазмунини ўз сўзларингиз билан ифодалаб, қуйида Худога ўз номингиздан қилган ибодатингизни ёзинг. Худонинг Кимлиги учун шукроналар айтинг. Худони эзгулиги ва хислатлари учун мадҳ этинг, буни тез–тез такрорлаб туринг.

“Худо ҳақида фикр юритиш — инсон фахмлай оладиган энг буюк ва энг олий хаёлдир.”

— А. В. Тозер*

6. Худо инсонни Ўз суратида яратгани сабабли, Худонинг айрим фазилатлари инсоннинг ҳаётида, унинг шахсиятида акс этиши лозим. Қуйидаги ояларни ўқинг. Бу оятларда Худонинг қайси фазилатлари ҳақида сўз юритилган? Худонинг бу фазилатлари сизнинг ҳаётингизда қандай акс эта олади? Жавобларингизни ёзинг.

	ХУДОНИНГ ҚАЙСИ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА СЎЗ ЮРИТИЛГАН?	БУ ФАЗИЛАТЛАР БИЗНИНГ ҲАЁТИМИЗДА ҚАНДАЙ АКС ЭТАДИ?
Қонунлар 7:9	_____	_____
Забур 118:137	_____	_____
Забур 129:3-4	_____	_____
1 Бутрус 1:15-16	_____	_____
1 Юҳанно 1:5	_____	_____
1 Юҳанно 4:16	_____	_____
	_____	_____
	_____	_____

7. Бизнинг кўп муаммоларимиз Худонинг табиатини тўғри англай олмаганимиздан келиб чиқади. Бунинг натижасида ички зиддиятлар ва салбий ҳис-туйғулар пайдо бўлади. Мисол учун, агар сиз Худонинг кечиримли эканлигига ишонмасангиз, қалбингизни доим айбдорлик ҳисси кемиради. Энди б–вазифага қайтиб, Худонинг баъзи фазилатлари ҳақида фикр юритинг. Агар инсон Худонинг шундай фазилати борлигига ишонмаса, у қандай муаммоларга дуч келади?

Footnote * А. В. Тозернинг “Муқаддас Зот ҳақида билим” асаридан олинган парча, 1961й “Harper & Row” нашриёти, Нью Йорк.

Page 47

8. Кўнгилга таскин берадиган Муқаддас Китобдаги энг яхши хабар бу — Худонинг мутлақ ҳокимлигидир. Худо коинотдаги ҳамма нарсани бошқариб туради. Қуйидаги оятларни ўқинг. Худонинг мутлақ ҳокимлиги бу оятларда қандай тасвирланган?

Ҳикматлар 21:1 _____

Ишаё 14:27 _____

Ҳаворийлар 4:26-28 _____

“Муқаддас Китобда таъкидланишича, Худо шунчаки Илоҳий Шахс эмас, У муқаддас ва одил Зотдир. Ибтидонинг илк саҳифасидан тортиб, то Ваҳий китобининг сўнгги саҳифасигача Худо Ўзининг муқаддаслиги ва комиллигини бизга аён этади. Худонинг муқаддаслиги тўғрисида биз Исо Масиҳнинг ўлимига асос борлигини биламиз. Зеро, Худонинг

одиллиги гуноҳ учун энг олий жазони талаб этади, Унинг севгиси эса Исо Масиҳни бизга туҳфа қилиб, бутун инсониятга нажот бағишлайди.”

— Билли Грем *

ҲОЗИРГИ КУНДА ХУДО ДУНЁДА НИМАЛАР БИЛАН МАШҒУЛ?

Худо ҳозирги кунда нималар билан машғул? Қуйидаги оятларга асосланиб жавоб беринг:

2 Солномалар 16:9 _____

Забур 74:7–8 _____

Footnote * Билли Гремнинг “Худо билан тинчлик” асаридан олинган парча, 1953 йил, “Doubleday & Company Inc.” нашриёти, Нью Йорк.

Page 48

Ҳаворийлар 14:17 _____

10. Худо турли йўллар билан Ўзини инсониятга аён этади. Бу мавзу қуйидаги оятларда ёритилган. Оятларни ўқинг, сўнг қайси сўз бирикмаси қайси оятдан олинганини ёзинг.

Забур 39:8	_____	пайғамбарлар орқали
Римликларга 1:19-20	_____	Исо Масиҳ орқали
Римликларга 2:15	_____	яратилган борлиқ орқали
Ибронийларга 1:1	_____	инсоннинг виждони орқали
Ибронийларга 1:2	_____	Ўроғлиқ битик/Қонун орқали

11. Еремиё 31:3 (бу оятни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг), Эфесликларга 3:19 ва Юҳанно 3:16—оятларни ўқинг.

а. Бу оятларда Худонинг севгиси ҳақида нималар ёзилган? Қисқача таъриф беринг:

б. Худонинг севгисини билиш ва ундан баҳраманд бўлишни нима сабабдан муҳим деб ўйлайсиз?

12. Забур 45:2 ни ўқинг.

а. Бу оятда Худо қандай тасвирланган?

б. Сиз Худонинг бу ҳислатларини ўз ҳаётингизда ҳис этганмисиз? Мисоллар келтиринг.

ХУДО СИЗДАН НИМАНИ КУТМОҚДА?

“Хаёлимга келган энг муҳим ва энг олижаноб фикр бу — Худонинг олдидаги шахсий жавобгарлигим тўғрисидаги фикрларимдир.”

— Даниэл Вебстер.

13. Забур 45:11 оятда Худони билиш тўғрисида нималар ёзилган?

14. Худо нимани истайди? Забур 50:18–19 оятларга асосланиб жавоб беринг.

15. Сиз Худонинг олдида нима қилишингиз керак? Забур 94:6.

16. Худони билиш учун қандай шартларни бажариш зарур? *Қонунлар 10:12, Забур 99:4* ва *Ибронийларга 11:6* га асосланиб жавоб беринг.

Худо ҳаётимиздаги ҳамма нарсани яхшилик учун ишлатади: фаровонлик даврида Унга қанчалар шукрона айтишимизни текширади, кундалик ташвишларга ўралашиб қолганимизда, бори билан қаноат қиламизми ёки йўқми, кўради. Ишимиз юришмаганда итоаткорлигимизни текширади, бошимизга кулфат тушганда Худога қай даражада инонишимизни кўради.

17. Шоҳ Сулаймон ўғлига қандай насихат беради? 1Солномалар 28:9–оятга асосланиб жавоб беринг (бу оятни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг).

18. а. Бу бобдан олган билимларингизга асосланиб, “сажда” сўзини ўз сўзларингиз билан ифодаланг.

page 50

б. Нима сабабдан “сажда” масиҳий кишининг ҳаётида марказий ўринни эгаллайди? Ўз фикрингизни ёзинг.

в. Худога яхшироқ сажда қилиш учун амалда нима қилишингиз керак?

ҚИСҚАЧА БАЁН

Ушбу бобнинг сарлавҳаларидан ёрдам сифатида фойдаланган ҳолда, мустақил равишда “Худонинг табиати” мавзусига қисқа баён ёзинг.

2–БОБ

ХУДО КАЛОМИНИНГ МАВКЕИ

Агар Муқаддас Китоб ақидаларига итоаткорлик сизнинг мулкингизга, лавозимингиз, оилангиз ва осуда ҳаётингизга ҳавф солса, сиз нима қилган бўлардингиз? Бундай мушкул вазиятда ҳам Каломга содиқ қолармидингиз? Қарорингизни нимага асослаган бўлардингиз? Балки сиз бундай қийин вазиятга аллақачон дуч келгандирсиз? Бу бобда биз Худо Каломининг мавкеи ҳақида сўз юритамиз, қарор чиқаришимизда Муқаддас Калом қанчалик аҳамиятга эга эканлигига алоҳида урғу берамиз.

МУҚАДДАС КИТОБ МУАЛЛИФИ

Куйидаги парчаларни ўқинг. Муқаддас Китобнинг Муаллифи Худо эканлигини парчадаги қайси сўзлар кўрсатиб турибди?

Қонунлар 28:1-2 _____

2 Шоҳлар 23:1-3 _____

Еремиё 1:6-9 (бу оятни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг) _____

1 Салониқликларга 2:13 _____

2. Павлус Тимутийга ёзган иккинчи мактубида 3–боб, 16–оятида Муқаддас Битиклар ҳақида нималарни ёзган? Илоҳий илҳом деганда нимани тушунасиз?

(Бу мавзу борасида батафсилроқ маълумотга эга бўлиш учун, дастурнинг 2–босқичини, 74–81–бетларини кўриб чиқинг).

3. Забур 137:2–оятнинг охири мисраида шундай ёзилган: “Эй Эгам... Сен Номингни ҳам, сўзингни ҳам ҳар нарсадан юқори қўйгансан.” Демак, бу гапга кўра, Худо Ўз сўзига, яъни Каломига қандай ўрин берган?

“Модомики, Калом Худо томонидан берилган экан, у инсон устидан ҳукмрондир. Зотан Каломдаги ҳар бир сўз ортида, Унинг Муаллифи, яъни Худо турибди. Одам қай даражада обрў орттирган бўлса, ўз феъл–атвори, билими ва мавкеи билан ажралиб турса, унинг айтган сўзлари ҳам шу даражада эътиборга лойиқ бўлади. Шундай экан, Муқаддас Калом ҳам

Худонинг илохий мавқеи ва ҳокимиятига эга. Худонинг шахсияти, Унинг ҳар бир сўзида акс этиб, бизга ишонч бахш этади.”

— Жон Р. В. Стотт*

Footnote * Жон Р. В. Стоттнинг “Муқаддас Китобни тушуниш” асаридан олинган парча, “Gospel Light Publications” нашриёти, Глендейл, Калифорния.

Page 52

ИСО МАСИҲНИНГ МУҚАДДАС КИТОБГА МУНОСАБАТИ

4. Матто 4:1–11–оятларни ўқинг. Ушбу парчада Исони иблис васвасага солгани ҳақида ҳикоя қилинади.

а. Бу вазиятда Исо Каломдан қандай фойдаланган? *10–оятга* асосланиб, жавоб беринг.

б. Исо иблиснинг таклифини узоқ вақт мулоҳаза қилдими? *9–10–оятлар*.

в. Исо Каломдан айтган оятларни Ўзига қарата айтганмиди ёки иблисгами?

г. Исонинг Каломга бўлган итоаткорлигидан биз ўзимизга қандай ибрат олишимиз мумкин?

5. Исо куйидаги ҳолатларда Муқаддас Битиклардан қандай фойдаланган?

а. Тингловчиларга ҳақиқий ва сохта сажданинг фарқини тушунтирганда... (*Марк 7:6–9* га қаранг).

б. Ўликдан тирилиш каби мураккаб масалани тушунтирганда... (*Марк 12:24–27*).

в. Синаш учун берилган саволларга жавоб қайтарганда... (*Луқо 10:25–28*).

6. Нима сабабдан Масиҳ хочдаги ўлимини ўзгартириб бўлмайдиган зарурият, деб биларди? (*Луқо 24:25–27*).

page 53

7. Исо Калом ҳақида яна нималар дейди?

Матто 5:17–18

Юҳанно 17:17

8. 4–7 саволларга берган жавобларингизга асосланиб, Исонинг Каломга бўлган муносабатини қисқача ифодаланг:

9. Исонинг ибратомуз ҳаракатлари ва Калом ақидаларига риоя қилиб яшаши, бизни қандай ҳаёт тарзига ундайди?

ХУДОНИНГ КАЛОМИ ИШОНЧЛИДИР

10. Куйдаги инсонлар Муқаддас Каломнинг ишончилиги борасида қандай фикр билдирганлар?

Ёшуа (*Ёшуа 23:14*, бу оятни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг). _____

Довуд (*Забур 32:11*). _____

Ағур (*Ҳикматлар 30:5–6*, бу оятларни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг).

11. Луқо баён этган Хушхабарнинг 1:1–4–оятларидан Каломнинг ҳаққонийлиги ва ишончга лойиқлиги борасида қандай хулоса чиқариш мумкин?

page 54

12. 2 Бутрус 1:15–21–оятларни ўқинг.

а. 16–оятда Бутрус нима деб таъкидлайди?

б. Бутрус ва унинг шериклари қандай ажиб ҳодисага гувоҳ бўлдилар? Мазкур парчанинг 17–18–оятларини Матто 17:1–9–оятларига таққослаб, жавоб беринг.

в. Бутруснинг айтишича, осмондан келган овоздан ташқари, яна қайси бир далил қатъий ишончга сазовор эди? 19–оятга асосланиб жавоб беринг.

г. Нима сабабдан биз пайғамбарларнинг сўзларини ишончли деб айта оламиз? 20–21–оятларга асосланиб жавоб беринг.

13. Худонинг амалга ошган қайси ваъдалари Каломнинг ҳаққонийлигини тасдиқлайди? (Бу саволга жавоб бериш учун дастурнинг 1–босқичида ўтилган “Амалга ошган башоратлар” қисмини кўришингиз мумкин, 1–босқичнинг 62–бетига қаранг).

КАЛОМ КЕЛТИРАДИГАН МАНФААТ

14. Худонинг Каломи бизга қандай манфаат келтиради?

Забур 36:31 _____

Забур 118:130 _____

Юҳанно 15:3 _____

Ҳаворийлар 20:32 _____

page 55

2Тимўтий 3:16 _____

Ёқуб 1:21

15. Йиғим–терим — уруғ сепишдан бошланади. Руҳий ҳосил олиш учун, инсон қандай уруғ сепиши керак? Марк 4:14–оятга асосланиб жавоб беринг.

Келгуси ҳафта давомида сиз қай тарзда уруғ сепувчи вазифасини бажаришингиз мумкин?

16. Ишаё 55:10–11–оятларини ўқинг (бу оятларни ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмига қаранг). Парчада Худонинг сўзи сувга қай тарзда қиёсланганига эътибор беринг. Тасвирланган суратни кўз олдингизга келтиринг. Худонинг сўзи ўз вазифасини бажариши ҳақида нималарни билиб олдингиз?

17. Забур китобининг 118–саносини сиз ўзингиз хоҳлаган оятдан ўқинг. Бу санода Калом келтирадиган бисёр манфаатлар тўғрисида ёзилган. Калом сўзи — Қонун, ваъда, амрлар, қоидалар, шартлар, фармонлар сингари сўзлар билан ифодаланган. Калом келтирадиган камида бешта манфаатни қуйига ёзинг:

page 56

Сиз ҳаётингиз давомида Муқаддас Каломнинг кўп манфаатларидан баҳраманд бўлишингизга аминман. Каломга риоя қилиш орқали сиз кўп нарсаларга эришасиз. Бироқ, Каломнинг асл моҳияти — унинг келтирадиган фойдасида эмас, балки Худога тегишли эканлигидадир. Калом Худо томонидан берилгани учун ҳам, юксак ҳокимиятга эгадир. Худонинг сўзига сиз шубҳа қилмай, сидқидилдан ишонишни истайсизми? У ҳолда, Худони таниб–билишга интилинг. Худони тан олган инсон, Муқаддас Каломга ҳам ишонади. Каломни рад этган инсон эса, Худони ҳам рад этган бўлади.

КАЛОМНИ АМАЛДА ҚЎЛЛАШ

18. Одамларнинг қайси камчилиги Исони ранжитар эди?

Луқо 6:46

Луқо 24:25

19. Шоҳ Йўшиё Худонинг Каломини амалда қандай қўллаган? 4 Шоҳлар 23:2–4 (бу парчани ўқиш учун дастурга илова қилинган “Эски Аҳддан оятлар” қисмини қаранг).

20. Забур 118:59–60–оятларига кўра Муқаддас Калом акидаларини ҳаётга тадбиқ қилишда қандай шартларга риоя қилиш керак?

21. Каломни амалда қўллашда муайян қадамлар ташлашингизга сизга қуйдаги режа қўл келади:

- Каломда ҳаётингизнинг муайян бир соҳаси ҳақида нималар ёзилган?
- Каломдаги ҳақиқатни ҳозирги ҳолатингизга солиштиринг.
- Ҳаётингизни Калом бўйича ўзгартиришингиз учун, нима қилишингиз керак? Жавобингизни ёзинг.
- Белгиланган мақсад сари қадам ташляпсизми ёки йўқми ўзингизни текшириб туринг.

Page 57

Энди режани бажаришга киришинг!

а. Бу бобдаги қайси оятлар сизга кучли таъсир кўрсатди? Ўша оятларга кўра, сиз ҳаётингизнинг қайси соҳасини ўзгартиришингиз керак?

Савол рақами _____ Оят манзили _____

Мулоҳаза _____

б. Ҳаётингизнинг бу соҳасида нималар яхши томонга ўзгариши керак?

в. Буни амалга ошириш учун нима қилишингиз керак?

г. Мақсадга эришганингизни нимадан билсангиз бўлади?

Сиз ўз ҳаётингизни Худога бағишлаганмисиз? Унинг амрларига итоат қилишга сўз берганмисиз?

ҚИСҚАЧА БАЁН

Ушбу бобнинг сарлавҳаларидан ёрдам сифатида фойдаланган ҳолда, мустақил равишда ўтилган мавзуга қисқа баён ёзинг.

МУҚАДДАС РУХ

Исо Масих бизга Юпатувчи юборишни ваъда қилган эди. Бу Юпатувчи — Муқаддас Рухдир. Каломда Муқаддас Рухнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида кўп ёзилган.

Биринчи босқичида ўтилган “Қалбингдаги Муқаддас Рух” мавзусини кўриб чиқсангиз мақсадга мувофиқ бўлади.

МУҚАДДАС РУХ КИМ?

Куйидаги оятларда Муқаддас Рухнинг қандай хислатлари ва фаолияти ҳақида сўз юритилган?

Ҳаворийлар 13:2 _____

1 Коринфликларга 2:10 _____

1 Коринфликларга 2:12-13 _____

1 Коринфликларга 12:11 _____

Эфесликларга 4:30 _____

2. Ушбу оятларга кўра, Муқаддас Рухни, гарчи жисмоний танага эга бўлмаса—да, ҳақиқий Шахс деб аташ мумкинми? Жавобингизни асосланг.

Каломда Муқаддас Рухга нисбатан турлича номлар қўлланилган: Юпатувчи, Ҳақиқат Рухи, Масихнинг Рухи, Худонинг Рухи, илоҳий Рух ва ҳоказо.

3. Муқаддас Рух аслида Худо эканлиги куйидаги оятларда қандай сўзлар билан ифодаланган?

Ибтидо 1:2 _____

Ибронийларга 9:14 _____

Забур 138:7–8 _____

page 60

4. Ҳаворийлар 5:1-10—оятларни ўқинг. Ҳанания ва Сапфира кимга ёлғон гапирганлари учун ўлдилар?

3-оят _____

4-оят _____

Худонинг Учбирлиги

Худо ягонадир, бироқ унинг учта Шахсияти мавжуд (яъни Учбирлиги). Худонинг учта Шахсияти: Ота Худо, Ўғил Худо ва Худо — Муқаддас Рухдир. Улар бир бутунликни ташкил қилиб, мукамал уйғунлик, севги ва аҳилликни ифода этадилар.

Инсон ўзининг чекланган онги билан Худони тўлиқлигича англашга ожиздир. Илоҳий Учбирликнинг табиатини ҳам тўлиқ тушунишимиз жуда қийин. Бироқ шунга қарамай, биз борлик орқали Худонинг мўжизакор фазилатлари ва илоҳий қирраларини, қисман бўлса—да, кўришимиз мумкин.

Ота Худо кўринмас. Уни ҳеч ким ва ҳеч қачон кўрган эмас — *Юҳанно 1:18*

- Ўғил бизга Отани аён қилди — *Юҳанно 1:14-18; Ибронийларга 1:1-4*
- Муқаддас Рух одамларнинг қалбида фаолият кўрсатади — *Юҳанно 16:8; 1 Коринфликларга 2:10-11; 6:19-20.*

(Куйидаги оятларда ҳам илоҳий Учбирлик ҳақида сўз юритилган: *Матто 3:16-17; 28:19; Юҳанно 14:16; 2 Коринфликларга 13:14; 1 Бутрус 1:2*)

МУҚАДДАС РУҲ КИМДА БОР?

5. Юқоридан туғилиш жараёнининг ҳар бирида Муқаддас Руҳ иштирок этадими?

Юҳанно 3:5–6 _____

Эфесликларга 1:13–14 _____

Титусга 3:5 _____

6. Исо Масиҳнинг уммати бўлган ҳар бир инсон қайси маросимни бажарган? 1 Коринфликлар 12:13–оятга асосланиб жавоб беринг.

7. Римликларга 8:9–14 ни ўқинг. Муқаддас Руҳ ҳар бир масиҳий кишининг қалбини маскан қилганини қайси сўзлардан билсак бўлади?

Page 61

8. Коринфдаги биродарларнинг ҳаёт тарзи мукаммаликдан анча йироқ бўлишига қарамай, Павлус уларга нимани эслатади? 1 Коринфликларга 3:16.

9. Эсингизда бўлса сиз биринчи босқичда “Қалбингизда Муқаддас Руҳ борлигига аминмисиз?” деган саволга жавоб берган эдингиз. Биринчи босқичнинг 78–бетини очиб, ўша 12–саволга берган жавобингизни ўқинг. Муқаддас Руҳ ҳаётингизнинг доимий ҳамроҳи ва иштирокчиси эканига энди аминмисиз?

МУҚАДДАС РУҲНИНГ ФАОЛИЯТИ

10. Юҳанно 16:7-15 ни ўқинг.

а. Ҳозирги кунларда Муқаддас Руҳ нималар билан банд? 8–11–оятларга асосланиб жавоб беринг.

б. Муқаддас Руҳ масиҳийлар учун нималар қилмоқда? 13–оят.

в. 14 ва 15–оятларда нималарга урғу берилган?

11. Галатияликларга 5:19–25–оятларни ўқинг. Бу парчада башарий табиатнинг ишлари ва Муқаддас Руҳнинг самараси ҳақида сўз юритилган. Руҳнинг самараси остида, кўп ҳислатлар санаб ўтилган. Нега “самара” сўзи кўпликда эмас, балки бирликда қўлланилган? Бунга бирор

сабаб ёки асос борми? Нима деб ўйлайсиз? (Юҳанно 15:5 га қаранг, бу оят жавоб беришингизга ёрдам кўрсатади).

page 62

Призмадан ўтган қуёш нури тарқалиб, камалакнинг гўзал рангларини ҳосил қилади. Масиҳнинг нури ҳам худди шундай хислатга эга, бу нур имонли кишининг ҳаётида акс этганда турли хил мафтункор фазилатларни ҳосил қилади.

12. Римликларга мактубнинг 8–бобида Масиҳ орқали ғолибона ҳаёт кечиришимиз ҳақида ёзилган. Муқаддас Рух ғолибона ҳаёт кечиришимизга қандай ёрдам беради?

2–оят _____

14–оят _____

16–17–оятлар _____

26–27–оятлар _____

13. Муқаддас Рух Павлуснинг ҳаворийлик хизматида қандай ўрин тутган?

Ҳаворийлар 13:2, 4 _____

Ҳаворийлар 16:6–7 _____

1 Коринфликлар 2:4 _____

МУҚАДДАС РУХ БЕРАДИГАН ИНЪОМЛАР

14. 1 Коринфликларга мактубининг 12-14–боблари руҳий инъомлар борасида сўз юритувчи муҳим парчалар ҳисобланади. 12–бобни ўқиб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

а. Муқаддас Рух инъом ва қобилиятларни нечта имонли одамга тақсимлаб берган? *7,11 оятлар.*

б. Кимга қандай инъом берилишини ким ҳал қилади? *11,18–оятлар.*

в. Инъомлар нима мақсадда берилади? (7–оятни 1 Бутрус 4:10 билан қиёсланг).

г. Нима сабабдан жамоатга турли хил инъомларга эга бўлган аъзолар керак? 14–19–оятлар.

page 63

д. Худо ҳаммага бир хил инъом бермоқчими?

е. Ушбу бобда қандай инъомлар айтиб ўтилган? 8-10 ва 28-30–оятлар.

15. Римликларга 12:6-8 ва Эфесликларга 4:11 ни ўқинг. Бу оятларда қайси инъомлар ҳақида гапирилади?

16. Сиз биродарларга қай тарзда ёрдам беришни хуш кўрасиз? Иккита мисол келтиринг.

Ким билсин, балки ўша вазиятларда сиз ўз инъомларингиздан фойдалангандирсиз?
Ўзингизга қуйидагича саволлар беринг:

- Бошқаларга шу тарзда ёрдам бериш менга ёқадими?
- Кўрсатган ёрдамимдан ёки қилган ишимдан бошқалар мамнун бўлдиларми?
- Бу ишим руҳий ўсишга ва яқдилликка ўз ҳиссасини қўшдимми?

Бошқаларга янада кўпроқ ёрдам бера олишингиз учун, сиз бу инъом ва қобилиятингизни қандай ривожлантиришингиз мумкин?

page 64

Сиз руҳий инъомларингизни билишга интизормисиз? Шошилманг, Масих йўлида юриб, руҳий етукликка эришганингиз сари, Худо сизга инъомларингизни кўрсатади. Ёдингизда бўлсин, ҳар бир масихий Илоҳий Рухнинг тўлиқ самарасига — муҳаббат, севинч, хотиржамлик, сабр-тоқат, лутфкорлик, хайрихоҳлик, садоқат, мулойимлик ва ибодати каби **барча фазилатларга эга бўлиши шарт**. Лекин ҳеч бир масихий Муқаддас Рухнинг **барча инъомларига эга бўла олмайди**.

17. Агар кимдир сизга: “Мана шу инъомга эга бўлишинг шарт” деб айтса, сиз унга қандай жавоб берган бўлардингиз? Жавоб берганда 1 Коринфликлар 12–14–бобларга асосланган ҳолда, зарур далилларни келтиринг.

“Ҳар бир одамнинг маълум бир инъоми бор, шунинг учун ҳамма хурсанд бўлиши шарт. Ҳеч бир одам барча инъомларга эга эмас, шунинг учун ҳамма камтар бўлиши шарт. Барча инъомлар Масихнинг танаси — жамоат учун мўлжалланган, шунинг учун ҳамма яқдиллик билан ҳаракат қилиши шарт. Барча инъомлар Худо томонидан берилган, шунинг учун ҳамма қаноат қилиши шарт.”

— Артур Т. Пиерсон*

СИЗНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИНГИЗ

18. Эфесликларга 5:18-21 ни ўқинг.

а. Худо бизга Муқаддас Рух хусусида қандай амр беради? *18 оят*.

б. Муқаддас Рухга тўлган инсон ўзини қандай тутати ва нима қилади? 19–21–оятлар

19. Эфесликларга 5:18–оятда Муқаддас Рухга тўлиш қандай ҳаракат билан таққосланади?
Булар ўртасида қандай фарқ ва қандай ўхшашлик бор?

Footnote * Ж. Освальд Сандерснинг “Ваъда қилинган Муқаддас Рух” асарида қўлланилган парча, 1940 й “Zondervan” нашриёти, Мичиган.

Page 65

Ўхшашлик

Фарқ

<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>
<hr/>	<hr/>

20. Муқаддас Рухга тўлган одам яна қандай хислатларга эга бўлади?

Ҳаворийлар 4:31 _____

Ҳаворийлар 11:24 _____

Римликларга 5:5 _____

21. Қуйидаги оятларга кўра, Муқаддас Рухга нисбатан қандай муносабатда бўлмаслигимиз керак?

1 Салоникаликларга 5:19 _____

Эфесликларга 4:30 _____

22. Эфесликларга 4:30 дан олдинги ва кейинги оятларни ўқинг.

а. Муқаддас Рухни нима хафа қилади?

б. Ҳаётингизда Муқаддас Рухни ранжитадиган бирон ёмон одат, иллат ёки ҳолат борми?

в. Буни бартараф этиш учун нима қилишингиз керак?

page 66

ҚИСҚАЧА БАЁН

Ушбу бобнинг сарлавҳаларидан ёрдам сифатида фойдаланган ҳолда, ўтилган мавзуга мустақил равишда қисқа баён ёзинг.

4–БОБ

РУҲИЙ ЖАНГ

Муқаддас Китобни тадқиқ қилиб, унда баён этилган буюк ҳақиқатни амалда қўллаш — Руҳий жанг майдонига кириш демакдир. Инсонларнинг қалблари ва онглари учун жанг кетмоқда. Бироқ қийинчилигу зиддиятлар орқали Худо бизни руҳан ўстириб, ғалабага эриштиради. Римликларга 8:37–оятда шундай ёзилган: “Ахир, бизни яхши кўрадиган Масих орқали ҳамма қийинчиликлар устидан бутунлай ғалаба қозонамиз.”

ЖАНГ

1. Эфесликларга 6:12–оятда ҳаворий Павлус масиҳийларнинг ҳаётини қандай тасвирлаган?

2. 2 Тимўтийга 2:3-4 ни ўқинг. Бу оятларда Павлус қандай ҳаётни тасвирлаган?

ЎЗ ДУШМАНИНГИЗНИ БИЛИНГ

Жангни муваффақиятли олиб бориш учун, кўмондондан тортиб, то оддий жангчигача ҳамма душманни билиши даркор. Бу бизнинг масиҳийча ҳаётимизга ҳам таалуқли.

3. Ваҳий 12:9-10–оятларда душман қандай номлар билан аталган?

Бу душман нима иш қилади?

4. Ваҳий 20:7-10–оятларда шайтоннинг номи сўнги марта ишлатилган. Бу оятларга кўра шайтоннинг қисмати қандай?

5. Шайтон Момо Ҳавони алдаганида, Худонинг Сўзига шубҳа уйғотиш учун нима деган?
Ибтидо 3:1–5.

Қачон қараманг, шайтоннинг қадимдан қилиб келган иши — найрангбозликдир. У Худонинг Сўзига шубҳа уйғотиб, Масиҳни қоралашга ҳаракат қилади.

6. Қуйидаги оятларда шайтон ҳақида нималар ёзилган?

Луқо 8:12

Юҳанно 8:44 _____

2 Коринфликларга 4:3 _____

2 Коринфликларга 11:3 _____

2 Коринфликларга 11:14 _____

7. Луқо 4:1-13—оятларини ўқинг. Бу парчада Исо ва шайтон орасидаги тўқнашув ҳақида ёзилган.

а. Шайтон келганида, Исонинг жисмоний аҳволи қандай эди?

б. Шайтоннинг васвасалари Исонинг қандай учта истагига қаратилган эди?

page 69

8. 1 Бутрус 5:8-9—оятларининг мазмунини ўз сўзларингиз билан ифодаланг.

ГУНОҲ БИЛАН КУРАШ

9. Қуйидаги оятларга кўра гуноҳ бу нима?

Ишаё 1:2 _____

Римликларга 14:23 _____

1 Юҳанно 3:4 _____

10. Гуноҳ бу — Худо ўрнатган қонунни бузиш демакдир. *Матто 22:37–40* ни ўқинг. Бу парчада Исо Ўз сўзлари билан қонунга таъриф берган. Исонинг ана шу сўзларига асосланган ҳолда, гуноҳга таъриф ёзинг.

11. Ёқуб 4:1-4 ни ўқинг.

а. Адоват ва жанжал нимадан келиб чиқади? 1-3 оятлар.

б. Ўзингизни Худога тўлиқ бағишлашингизга сизга нима халақит беради? 4-оят.

Page 70

в. Ушбу парча муаммоларингизнинг негизини англаб олишингизга ёрдам бердими? Агар ёрдам берган бўлса, бу ҳақда ёзинг.

12. *Эфесликларга 2:2-3*—оятларда бу дунё қандай таърифланган?

13. Павлуснинг таъкидлашича, биз бу дунёга мослашиб кетмаслигимиз учун фикримизни янгилашимиз керак экан (*Римликларга 12:2*). Павулснинг бу гапини янада чуқурроқ тушунишингиз учун *Филиппиликларга 4:8*—оятини ўқинг. Сўнг “фикрни янгилаш”га изоҳ ёзинг.

14. *Ёқуб 1:12*—оятига кўра, синовларга бардош берган одам қандай тақдирланади?

Баъзи одамлар: “Камчиликларим бор, лекин қалбим тоза”, деб айтишади. Қандай нодонлик! Ахир, вужудимизнинг энг бузук ва энг нопок қисми — қалбимиз—ку!

— Чарльз Хаддон Сперджен

ҒАЛАБАГА ИШОНЧ

15. *Ибронийларга 2:14-15*—оятларига кўра, Масихнинг хочдаги ўлими шайтон учун нимани англатар эди?

Масих Ўз ўлими орқали одамларни нимага эриштирди?

16.

Қуйидаги оятларга кўра, ғалаба қозонишимизга нима асос бўлиб хизмат қилади?

1 Юҳанно 2:14 _____

1 Юҳанно 4:4 _____

1 Юҳанно 5:4-5 _____

17. *1Коринфликлар 15:57*—оятини ўз сўзларингиз билан ифодалаб, шахсий ибодат шаклида ёзинг. Гуноҳ устидан қозонаётган ҳар кунги ғалабангиз учун, Худога ўз миннатдорчилигингизни изҳор этинг.

КУНДАЛИК ҒАЛАБА

18. Ваҳий 12:11 ни ўқинг, бу оятга кўра, қандай учта омил шайтон устидан ғалаба қозонишимизга ёрдам беради? Ҳар бир омилнинг муҳимлигини ёзинг.

ОМИЛ	НИМА САБАБДАН МУҲИМ
а. _____ _____	_____ _____
б. _____ _____	_____ _____
в. _____ _____	_____ _____

19. Эфесликларга 6:14–18–оятларини ўқинг. Қуйидаги жадвални тўлдириб, руҳий жангда ишлатиладиган қурол–аслаҳаларни ёзинг. Бу қурол–аслаҳалардан амалда қандай фойдаланишингиз мумкин?

Page 72

ҚУРОЛ–АСЛАҲА	АМАЛДА ҚЎЛЛАШ УСУЛИ
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

Юқорида ёзилган қуроллардан қайси бири ҳаётингизда етишмаяпти?

Етишмаган қуролдан фойдалана олишингиз учун, нималар қилишингиз керак?

“Ҳеч бир одам ўз кучи билан иллатини енга олмайди. Ғалаба қозонишнинг ягона йўли Худога қайта ва қайта ибодат қилиб, мадад сўрашдир.”

— Джордж Мюллер

20. Биз ҳар куни гуноҳни енга олишимиз учун нималар қилишимиз керак?

Забур 85:3 _____

Забур 95:2 _____

Забур 118:97 _____

page 73

2. Исо осмонга кўтарилганидан сўнг, зоҳир бўлган иккита фаришта Исонинг қайтиб келишини қандай тасвирлайди? *Ҳаворийлар 1:9-11.*

3. Қуйидаги оятларда Исо қайтиб келиши ҳақида нималар деган?

Матто 16:27 _____

Footnote * Билли Гремнинг “Алангада қолган дунё” асаридан олинган парча, 1965 йил, “Double and Company, Inc.” нашриёти, Нью Йорк.

Page 75

Матто 24:27 _____

Марк 13:26-27 _____

Луқо 12:40 _____

4. Ҳаворий Павлус Салоникаликларга ёзган биринчи мактубида, Исонинг келишини ҳар бир бобда тилга олади. Қуйидаги оятларда Павлус ушбу ҳодисани қандай сўзлар билан таърифлайди?

1 Салоникаликларга 1:9-10 _____

1 Салоникаликларга 2:19 _____

1 Салоникаликларга 3:12-13 _____

1 Салоникаликларга 4:16-18 _____

1 Салоникаликларга 5:2-6 _____

МАСИҲНИНГ ҚАЙТИШИДАН АВВАЛ ЮЗ БЕРАДИГАН ҲОДИСАЛАР

5. Матто 24 ва 25–бобларида Исо Ўзининг қайтиб келишининг аломатлари ҳақида гапириб, Ўз шогирдларини огоҳлантиради. Қуйидаги саволлар 24–бобга тааллуқли.

а. Исонинг қайтиб келишидан олдин, ер юзида қандай фалокатлар юз беради? *6-7-оятлар.*

Page 76

б. Дунёда ёвузлик ҳукм суришига қарамай ҳақиқий масиҳийлар нима қиладилар? *12-14 оятлар.*

в. Агар кимдир сизга: “Масиҳ қайтиб келди. У фалон шаҳарда ажойиб мўжизалар яратаяпти” деб айтса, бунга қандай жавоб берган бўлар эдингиз? *23-26 оятлар.*

г. Масих келганда осмонда қандай аломатлар юз беради? 29–оят.

д. Исо Масих келишининг аниқ куни ва соатини ким билади? 36–оят.

е. Ўша вақт келганида одамлар нима қиладилар? 37-39–оятларни Ибтидо 6:5 ва 6:11-13 билан таққосланг.

6. Охир замонда яшайдиган одамлар қандай феъл–атворга эга бўладилар?

1 Тимўтийга 4:1-2

2 Тимўтийга 3:1-5

7. Сўнгги кунларда қандай ғоялар оммавий тарзда тарқалади?

2 Бутрус 3:3-4

1 Салоникаликларга 5:3

page 77

Бундай таълимотлар ҳозирги кунда дунёда мавжудми? Жавобингизни асослаб беринг.

МАСИХ КЕЛГАНИДА ЮЗ БЕРАДИГАН ҲОДИСАЛАР

Масих қайтиб келганида ҳодисалар қай тартибда юз бериши тўғрисида турлича фикрлар мавжуд. Биз ушбу дарс давомида бутун эътиборимизни катта ҳодисаларга қаратамиз, уларнинг тартибига эмас.

8. 1 Салоникаликларга 4:13-18–оятларни ўқиб чиқинг.

а. Исо Масих осмондан тушганда, қандай воқеалар юз беради? 16-17–оятлар.

б. Қанча вақт давомида сиз Масих билан бирга бўласиз? 17 оят.

в. 18–оятга кўра сиз бу сўзлардан қандай фойдаланишингиз керак?

9. Масих қайтиб келганда, имонлилар билан нималар содир бўлади?

1 Коринфликларга 15:22-23

Филиппиликларга 3:20-21

Колосаликларга 3:4 _____
1 Юҳанно 3:2 _____

page 78

10. 1 Коринфликлар 15:42-44–оятларини ўқинг, моддий ва руҳий таналарни бир–бирига таққосланг.

МОДДИЙ ТАНА	РУҲИЙ ТАНА
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

11. 2 Салоникаликларга 1:6-10–оятларни ўқинг.

А. Исо қайтиб келганида, имонсизларнинг ҳоли не кечади?

Б. Имонлиларнинг ҳоли нима бўлади?

12. Масих келганида, имонлиларни яна нималар кутмоқда?

2 Коринфликларга 5:10 _____

1 Коринфликларга 4:5 _____

Қиёматдаги ҳукм пайти абадий нажотга боғлиқ эмас. Худо имонлиларни ҳукм қилганда кимгадир мукофот беради, кимнидир мукофотдан маҳрум этади. Имонсизларни эса Худо жазолайди. Бу ҳақда Ваҳий 20:12–15–оятларни ўқинг.

МАСИХНИНГ КЕЛИШИ СИЗ УЧУН ҚАНДАЙ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ?

13. Худонинг ҳузурида ҳаётимиз қандай бўлади? Ваҳий 21:4.

Жаннатда кимлар бўлади? Ваҳий 5:9.

14. Масихнинг қайтишини биз қай тарзда кутишимиз керак?

2 Тимўтий 4:8 _____

Ёқуб 5:7-8 _____

1 Бутрус 1:13 _____

Page 79

15. 2 Бутрус 3:10-12 ва 1 Юҳанно 3:2–3–оятларини таққосланг. Биз Масихнинг келишини кутар эканмиз, ўзимизни қандай тутишимиз ва нималар қилишимиз керак? Фикрингизни қисқача баён қилинг.

16. 14 ва 15–саволларга берган жавобларингиздан бирини танлаб, қуйидаги саволларга жавоб беринг.

а. Ушбу парчада қандай амр берилган?

б. Бу амр сизга ҳам тааллуқлими?

в. Бу амрга бўйсунуш учун амалда нималар қилмоқчисиз?

г. Амрга итоат этишингизни доим назорат қилиб туришингиз даркор. Буни қандай амалга оширмоқчисиз?

17. Матто 24:14 ва 2 Бутрус 3:9–оятларни таққосланг. Нима сабабдан Масих шу пайтгача келмаган?

18. Марк 13:33,37–оятларни ўқинг.

а. Бу оятларда Исо бизга қандай кўрсатма беради?

page 80

б. Исонинг бу кўрсатмаси борасида фикр юритинг. Унга риоя қилиш учун амалда нима қилишингиз керак? Тўртта ёки бешта мисол ёзинг.

19. Агар сиз Худога итоат қилиб, Уни мамнун этсангиз, Масих келганида ўзингизни қандай сезасиз? *1 Юҳанно 2:28*.

ҚИСҚАЧА БАЁН

Ушбу бобнинг сарлавҳаларидан ёрдам сифатида фойдаланган ҳолда, ўтилган мавзуга мустақил равишда қисқа баён ёзинг.

Кейинги саҳифаларда “Дастурни ўрганиш кундалиги”, “Назорат жадвали” ва “Ижобат бўлган ибодатлар” варақалари илова қилинган. Сиз буларнинг ҳаммасидан 5–босқич давомида фойдаланасиз. Мабодо, илова қилинган варақалар сизга етмай қолса, уларни ксерокопия қилиб олишингиз мумкин.

ДАСТУРНИ ЎРГАНИШ КУНДАЛИГИ

“Йўлимдан юрганлар бахтлидир. Панд–насиҳатларимни тинглаб доно бўлинглар, уни рад этманглар. Ҳар кун остонамда кутиб, эши гимни пойлаб, сўзларимга кулоқ соладиган бахтлидир.” (Сулаймоннинг ҳикматлари 8:32–34).

○ **Якшанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Душанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Сешанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Чоршанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Пайшанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Жума** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

○ **Шанба** сана _____ Ўқиган оятларим _____
Ўзим учун белгилаган энг яхши нарса: оят _____
Унинг ғояси: _____

Нимаси менга таъсир қилди: _____

<p>Масихга эргашиглар <i>Матто 6:33</i> Сизлар аввало Худонинг Шоҳлиги ва Унинг иродаси пайида бўлинглар, шунда буларнинг хаммаси сизга берилади.</p> <p style="text-align: right;"><i>Матто 6:33</i></p> <p>Г-1 Масихнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Масихга эргашиглар <i>Луқо 9:23</i> Сўнг хаммага деди: “Кимда–ким Менга эргашишни истаса, ўзидан кечсин ва ҳар куни ўз хочини кўтариб, ортимдан юрсин.”</p> <p style="text-align: right;"><i>Луқо 9:23</i></p> <p>Г-2 Масихнинг шогирди бўлинг</p>
<p>Дунёга мослашманглар <i>1 Юҳанно 2:15-16</i> Дунёга ва ундаги нарсаларга кўнгил боғламанглар. Дунёни севган одамда Отамиз Худонинг севгиси бўлмайди. Зеро, дунёдаги бор нарса — инсон табиатининг хоҳишлари, нафс ва бойлик билан мағрурланиш Отадан эмас, балки дунёдандир.</p> <p style="text-align: right;"><i>1 Юҳанно 2:15-16</i></p> <p>Г-3 Масихнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Дунёга мослашманглар <i>Римликларга 12:2</i> Бу дунёга мослашманглар, фикр–зикрингизни янгилаб, тубдан ўзгаринглар. Шунда Худонинг иродасини тушуна оладиган бўласиз, яъни нима яхши, Худога манзур ва мукамал эканлигини била оладиган бўласиз.</p> <p style="text-align: right;"><i>Римликларга 12:2</i></p> <p>Г-4 Масихнинг шогирди бўлинг</p>
<p>Имонда маҳкам туринглар <i>1 Коринфликларга 15:58</i> Шунинг учун, эй, азиз биродарларим, ҳеч иккиланмай, имонингизда маҳкам туринглар. Ҳамиша Раббимизга хизмат қилишга бағишланиб, янада ғайратли бўлинглар. Ахир, Раббимиз йўлида қилган меҳнатингиз самарасиз қолмаслигини биласизлар–ку!</p> <p style="text-align: right;"><i>1 Коринфликларга 15:58</i></p> <p>Г-5 Масихнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Имонда маҳкам туринглар <i>Ибронийларга 12:3</i> Жасоратингиз сўнмаслиги ва кўнглингиз чўкмаслиги учун, Исо ҳақида фикр юритинглар. У гуноҳкорлар томонидан кўп хўрланиб, хаммасига чидаган–ку!</p> <p style="text-align: right;"><i>Ибронийларга 12:3</i></p> <p>Г-6 Масихнинг шогирди бўлинг</p>
<p>Бошқаларга хизмат қилинглр <i>Марк 10:45</i> Ахир, Инсон Ўғли ҳам Ўзига хизмат қилдириш учун эмас, балки Ўзи хизмат қилиш ва Ўз жонини фидо қилиб, кўпларни озод қилиш учун келган.</p> <p style="text-align: right;"><i>Марк 10:45</i></p> <p>Г-7 Масихнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Бошқаларга хизмат қилинглр <i>2 Коринфликларга 4:5</i> Биз эса ўзимизни эмас, балки Раббимиз Исо Масихни тарғиб қилмоқдамиз; биз – Исо йўлида сизларнинг қулларингизмиз, холос.</p> <p style="text-align: right;"><i>2 Коринфликларга 4:5</i></p> <p>Г-8 Масихнинг шогирди бўлинг</p>
<p>Саховат билан беринглр <i>Ҳикматлар 3:9-10</i> Ўз бойлигинг, биринчи ҳосилинг билан Эгамизни улуғла. Шунда омборинг тўлиб–тошади, янги шаробинг етиб ортади.</p> <p style="text-align: right;"><i>Ҳикматлар 3:9-10</i></p> <p>Г-9 Масихнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Саховат билан беринглр <i>2 Коринфликларга 9:6-7</i> Шуни унутмангки, оз эккан, оз ўриб олади, мўл эккан эса мўл ўриб олади.</p> <p style="text-align: right;"><i>2 Коринфликларга 9:6-7</i></p> <p>Г-10 Масихнинг шогирди бўлинг</p>

<p>Жаҳонга нажотни етказинглар <i>Ҳаворийлар 1:8</i> Аммо Муқаддас Рух сизларни қамраб олганда, куч–қудратга тўласизлар. Қуддусда, Яҳудия ва Самарияда, ер юзининг ҳамма бурчакларида сизлар Менинг шоҳидларим бўласизлар. <i>Ҳаворийлар 1:8</i></p> <p>Г-11 Масиҳнинг шогирди бўлинг</p>	<p>Жаҳонга нажотни етказинглар <i>Матто 28:19-20</i> Шунинг учун бориб, барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Рух номи билан сувга чўмдилинглар. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсага амал қилишни уларга ўргатинглар. Зотан, Мен ҳар доим, дунёнинг охиригача сизлар билан бирга бўламан <i>Матто 28:19-20</i></p> <p>Г-12 Масиҳнинг шогирди бўлинг</p>
--	--

ЭСКИ АҲДАН ОЯТЛАР

Еремиё 23:24

Эгамиз шундай демоқда: “Мен ҳамма ёқдаман — яқинда ҳам, узоқда ҳам ўша Худоман.”

1 Солномалар 29:10–13

¹⁰ Довуд бутун жамоанинг кўзи олдида Эгамизга ҳамду сано ўқиди:

“Эй бобомиз Ёқубнинг Худоси — Эгамиз! Сенга то абад ҳамду санолар бўлсин! ¹¹ Эй Эгамиз! Сен буюк, қудратли, шухратли, салобатли ва улуғдирсан. Зотан еру осмондаги барча нарса Сеникидир. Эй Эгамиз! Сен Шохсан. Сен ҳар нарсадан юксаксан. ¹² Бойлик ва шон–шарафнинг манбаи Сенсан. Ҳа, Сен ҳамма нарса устидан ҳукмронсан. Куч–қудрат эгаси Ўзингсан. Одамларни юксалтирадиган, уларга куч берадиган Сенсан. ¹³ Энди, эй Худойимиз, биз Сенга шукрлар айтамыз, Сенинг улуғ номингни мадҳ қиламыз.

Еремиё 31:3

“Мен қадимда Исроилга зоҳир бўлиб, шундай деган эдим:
Сени мангу севги билан севдим,
Сенга содиқ бўлиб келдим.”

1 Солномалар 28:9

“Энди Сулаймон ўғлим, отанг Худони тан олгин, бутун онгинг билан сидқидилдан Унга хизмат қилгин. Зотан, Эгамиз ҳар бир инсоннинг юрагини синайди, нияту фикрларимизни У билади. Агар Уни изласанг, топасан. Агар Уни тарк этсанг, У ҳам сени абадий ташлаб кетади.”

Еремиё 1:6–9

Мен Унга шундай жавоб қайтардим:

— Ё, Эгам Раббий! Мен тузук гапира олмайман. Ҳали жуда ёшман.

⁷ Эгамиз эса менга шундай деди:

— Ўзингни, ёшман, деб айтма! Мен сени кимнинг олдига юборсам, ўшаларнинг олдига борасан. Сенга амр қилган ҳамма гапларимни уларга айтасан. ⁸ Сен улардан кўрқма. Мен сен билан бирга бўламан, сени халос қиламан. Эгангнинг каломи шудир.

⁹ Сўнг Эгамиз қўлини узатиб, лабимга теккизди—ю деди:

— Мана, сўзларимни оғзингга солиб қўйдим.

Ёшуа 32:11

“Мен ҳам бир бандаман, умрим охирлаб боряпти. Шубҳасиз, ҳаммангиз биласиз, Эгангиз Худо сизларга яхши ваъдалар берган эди, шу ваъдаларнинг ҳаммаси рўёбга чикди, уларнинг бирортаси ҳам бажарилмай қолмади.”

Ҳикматлар 30:5–6

Худонинг ҳар бир сўзи ҳақиқатдир,
Ўзи эса Унга умид боғлаганнинг қалқони.
Унинг сўзларига қўшма,
У жазоласа, ёлғонинг фош этилса нима қиласан?

Ишаё 55:10–11

“Осмондан қор, ёмғир ёғади.
Улар осмонга қайтмай, ерни суғоради,
Токи ер ўсимлик ўстирсин,
Эккани дон, егани нон берсин.
Менинг оғзимдан чиққан сўз шундай бўлади,
Менга бўм–бўш қайтиб келмайди.
Менинг хоҳиш–иродамни ўша сўз бажаради,
Қайси ниятда юборсам,
Ўшани бажо қилади.”

4 Шоҳлар 23:2–4

“Жамики Яхудо халқи ва Қуддус аҳолиси, руҳонийлар, пайғамбарлар, зодагонлару авом халқ шоҳ бошчилигида Эгамизнинг уйига борди. Шоҳ Йўшиё Эгамизнинг уйдан топилган Аҳд китобини бошидан охиригача уларнинг олдида ўқиди.

³ Шоҳ Эгамизнинг уйи эшиги олдидаги устун ёнида туриб: “Эгамиз кўрсатган йўлдан юраман, амрларига итоат этаман, шартларига, фармонларига бутун қалбим билан, жону дилим билан қулоқ соламан, бу китобда ёзилган аҳд сўзларини адо этаман”, деб Эгамиз билан қайта аҳд қилди.

Бутун халқ бу аҳдга қўшилди.

⁴ Шоҳ Йўшиё: “Баалга, Ашерага ва барча самовий жисмларга атаб қилинган нарсалар Эгамизнинг уйдан олиб чиқиб ташлансин”, деб олий руҳоний Хилкиёга, ундан кейинги руҳонийларга, Эгамизнинг уйи дарвозабонларига фармон берди. Ўша буюмларни Қуддус ташқарисидаги Қидрон сойлигига чиқартириб ёқди, кулини Байтилга олиб келтирди.”